

Аним
Супон



АЗИМ СУЮН

ЭЙ ДҮСТ

1001 қайирма

Биринчи китоб


Ташкент
“Янги аср авлоди”
2005

«Эй дўст» — бу минг бир қайирма. Бу — эски ҳақиқатларни табиатнинг сирли ҳолатлари эшлиги ила янгича, оҳорли айтишга уриниш. Бу — чексивлик мушоҳадалари. Уларда Вақт йўқ, Макон йўқ. Улар Замон ва Макондан ташқаридаги хулосалар. Узимдан чиқиб, ўзлизимга етганим тўхтаб. Бу асар Аллоҳ берган умримнинг охиригача ёзилади. Эҳтимол, у «Минг бир» билан чекланмас...

М.Муаллиф

Масъул муҳаррир
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Халқ шоири

Ю 31288
287



ISBN 5-633-01632-7

©Азим Сузон. «Эй дўст». «Янги аср авлоди», 2005 йил.

1.

Эй дўст!

Одам Атонн, Тангрим, одам яратди,

Момо Ҳавонн унга ҳамдам яратди.

О, аслида ақлу куч эгасига

Илоҳий муҳаббату илҳом яратди.

2.

Эй дўст!

Гулсиз мева тугар анжир дегани,

Ёр гулсиз бўлса ҳам бир келса қани?

Чечакни елкада тутган қоядек

Бошимга кўтариб юардим уни.

3.

Эй дўст!

Табиблар кўп эрур, дорилар бисёр,

Улар на даркордир, гарчи мен бемор.

Ёлғон кулиб, ёлғон йиғлаб нетаман,

Кифоя ёнимга кириб келса ёр.

4.

Эй дўст!

Тунда чорлагандик биз ёримизни,

Кўздан ниҳон тутиб хуморимизни.

Ёр чиққач, о, зулмат кетди ёришиб,

Ошкор қилиб қўйди асроримизни.

Эй дўст

5.

Эй дўст!

Дунё норасо жанг-жадаллар билан,

Ғаму андуҳлару ажаллар билан.

Дам ғанимат, жонон билан суҳбат қур,

У расо бўлгайдир гўзаллар билан!

6.

Эй дўст!

Юрса йўли ёруғ, турса — дил-кўнгли,

Умри — дарёларда оқмас бесамар,

Уйғоқ туриб тушлар кўрмас, кимгаки —

Севиш ва севилиш саодати ёр.

7.

Эй дўст!

Оламда бормикин сиздан гўзалроқ,

Оламда бормикин биздан гўзалроқ.

Кўзимиз кўзгудир, бас, кўрмадик биз

Ҳеч кимсани гўзал қиздан гўзалроқ.

8.

Эй дўст!

Жаҳон айвонида эрур жамулжам

Бу Замин, бу Осмон, бу турфа Олам.

Кўнглимга на хушдур, ёнимда агар

Бўлмаса кўнглимни олғувчи санам!

9.

Эй дўст!

Ишқ жодуси қилган мени мубтало,
Қурбон қилгай шаксияз бало, бу бало.
Кўриб келадурман, кўргумдир илло,
Кўз очган кунимдан қабримгача то!

10.

Эй дўст!

Бир боқмас бу гулрў, ҳар кун шу сазо,
Қайси бир гуноҳим учун бу жазо?
Тўйрим ошиқлар хилхонаси, айт,
Тағин бир ошиққа етса гар қазо?

11.

Эй дўст!

Гўзаллик беқадр бўлмаган асло,
Уни билмас киши ўлгани авло.
Қарокўз жононим бўлса гар ҳамроҳ,
Бу Шошдан кетардим маҳшаргача то!

12.

Эй дўст!

Қарагил, биз томон жонон келмоқда,
Хушхандон чечаклар ним эгилимоқда.
Унинг ташрифини қутлаб, пойнга
Олчанинг гуллари шўх тўкилмоқда.

Эй дўст

13.

Эй дўст!

Мана қомат, ана қомат, бу на қомат,
Тик қўйилган найми ё шам — тана-қомат.
Кўр эмасман, на қилайин, кўзим кетар,
Ранж чекмасин ва қилмасин таъна қомат.

14.

Эй дўст!

Ишқ — вафо, ишқ — жафо, жондан кечасиз,
Ҳилол у — ой бўлиб тўла-тўлгунча.
Ишқ — чанма, ишқ — шароб, ҳар кун ичасиз
Ва лекин тўймайсиз ўла-ўлгунча.

15.

Эй дўст!

Ўн тўрт кунлик ойни осмонда учратдим,
Унга етмоқ — орзу, уммонда учратдим.
Висол дебон ўзни отдим қучоғига,
Ҳар ён сочиди у, ҳар ёнда учратдим.

16.

Эй дўст!

Саҳар чоғи барча кўздан гўё ниҳон,
Сой бўйида чўмиларди битта жонон.
Билгайдир у: жонли кўрса жон бергайдир,
Билгайдир у: жонсиз кўрса киргайдир жон.

17.

Эй дуст!

Бир қошиқ туздирман, таом бўлмасман,

Бир жонга арзирли инъом бўлмасман.

Лекин ёр таоми менсиз бўлмагай,

Пок дастурхонида таном бўлмасман.

18.

Эй дуст!

Қайдандир жононлар кулгуси келар,

Киши бундан кетмай тургуси келар.

Уларнинг ичйда бизнинг ёр борми,

Оҳ-оҳ, саболардан гул иси келар.

19.

Эй дуст!

Кўнгал бир мусофир, сийлагил уни,

Мен сийладим жопон билан бир куми.

Во ажаб! Ушандан буён тинчим йўқ,

Гоҳ уни истайди, гоҳ истар буни.

20.

Эй дуст!

Кўрдимки, бул кеча тонгда уйғониб,

Ёр юзи оташдай турарди ёниб.

Дедим: «Атиргулдай чўрланмоқ нечун?»

Деди: «Атиргулим сув ичган қониб».

Эй дўст

21.

Эй дўст!

Маъшуқ бағридаги ошиқдек хушман,
О, чиндан ҳам шундай, сархуш, беҳушман.
Ҳузуримга келган ёрим бу оқшом,
Кет! Кет! Гулзор аро бир пошшо қушман.

22.

Эй дўст!

Қўл силтадим бу дунё ғурбатига,
Қалби кесак рақиблар ғийбатига.
Кетдим-кетдим бир қадаҳ май симириб,
Пари-пайкар, жононлар суҳбатига.

23.

Эй дўст!

Бу Заминга снғмай қолдик, кетамиз,
Олис сайёрани макон этамиз.
Унда биз орзулар қилган жаннат бор,
Лекин ёр бўлмаса, айтгил, нетамиз?

24.

Эй дўст!

Бу Азим дўст, ёр кўйида мисли хасдир,
Ўчоқдаги ёнаётган чўғ — бесасдир.
Бас, бас, етар! Фақат ёрнинг қўлидаги
Шарбат тўла бир пиёла бўлса басдир.

25.

Эй дўст!

Бу на гулюз, Тангрим озод яратибди,

Хусни латофатда обод яратибди.

Бир ошпуфта нигоҳ этди қурбон бизни,

Қурбон этмоққа у жаллод яратибди.

26.

Эй дўст!

Ул санам қошида ҳушдан айрилдик,

Жодуландик, тилло қушдан айрилдик.

Бир жилва қилибон уялди — кетди,

Қушпа-кундуз кун-қуёшдан айрилдик.

27.

Эй дўст!

Муҳаббатнинг жодулари доғулидир,

Лутфу карам, макрлари оғулидир.

Лекин мени ўлдирса ҳам ўлдирсин ул,

Гарчи ўлини йўли доим қайғулидир.

28.

Эй дўст!

Ошиқлик дегани кўп қизиқ бозор,

Унда ҳамма бир-бирига интизор.

Ўртада сувлар оқар айланч-айланч,

Сотгувчи, олгувчи — бирдек харидор.

Эй дўст

29.

Эй дўст!

Овчига сўзлайди жонзотлар изи,
Мунажжимга сўзлар тунлар юлдузи.
Не сўзлар экан, деб оғзин пойлама, —
Бу жононнинг менга сўзлайди кўзи.

30.

Эй дўст!

Богсупада ухлаб қолибди бир қиз,
Ёйилиб оқибди — сочлар жамалак.
Ҳайратдан тек қотдим: гунча лабига
Қўниб, бўса олар битта капалак.

31.

Эй дўст!

О, аёлда гуллар бисёр, қўша-қўша,
Ҳеч кимга қилмас ихтиёр қўша-қўша.
Қўша-қўша ихтиёр қилурми, баским,
Ошиғининг толеи ёр қўша-қўша.

32.

Эй дўст!

Олма шохда бир қуш таранади,
У ён, бу ёнга ҳуркиб қаранади.
Биз севган ёрнинг, о, худди ўзи,
Тароқшойи кўйлақда-я ёнади.

33.

Эй дүст!

Тақдир бизни қушарми севган ёрга,
Васли насибми бу бемор, бедорга.
Ишқимизни изҳор этдик тиз чўкиб,
Иқрори тик — бўйимиз етмас дорга.

34.

Эй дүст!

Гулгашт этгали гар чиқса бизнинг ёр,
Пойида таъзимдадир гул-гул гулзор.
Аразлими — чиқмас у, биз кўникканмиз,
Лекин гуллар бағрини очиб — абгор.

35.

Эй дүст!

Бошингда синиқ — хаёлинг, аёл боис,
Тақдиринг тиниқ — зилолинг, аёл боис.
Сен яримсан, ул ярим — бутун бўлмоқ бахт,
Ҳам камолинг, ҳам заволинг — аёл боис.

36.

Эй дүст!

Гарчи либослари оддий ва одми,
Ораста аёллар суюмли, дилбар.
Нилуфар қавмидан уларнинг қавми —
Жўн бир ҳовузда ҳам гул-гул нилуфар.

37.

Эй дўст!

Муҳаббат — ақл ила, ки, эшдир доим,

Эр-аёл бахтини сийлар худойим.

Қиёмат бўлса ҳам, аммо уларнинг

Уртасида бўлмас қиёмат-қойим.

38.

Эй дўст!

Ариқча шилдирар, гуллар ҳар ёнда,

Кўкда ой. Ерда ой — икков шийпонда.

Бўсалар қурбонлик ихтиёр этар,

Бундай кеча қайда, қайси жаҳонда.

39.

Эй дўст!

Дарё кечдим, тоғ ошдим, юртларни кездим доим,

Гуллар билан безадим умр деган йўлимни.

Битта чечен қизига, қолмагач ҳеч вақоим,

Ҳады қилиб юбордим мунглиғ шоир кўнглимни.

40.

Эй дўст!

Сакура гуллари — оппоқ аланга,

Ундан ҳады этди япон қиз менга.

Мен дедим: «Албатта, кутгил, юборгум,

Ўзбекюрт даштидан лолалар сенга».

41.

Эй дуст!

Бир гулга ари ҳам, чибин ҳам кўнар,

Капалак, болари бол эмиб жўнар.

Кўча санамлари ўхшар шу гулга,

Қисматин ўйласам, юрагим тўнар.

42.

Эй дуст!

Бардавомлик учун ҳар жон курашар,

Ки, тош илдиэ отай дебон курашар.

Лекин, боқ, бу жонон чопар илдиэин,

Фақат дилхушлякка ҳар он курашар.

43.

Эй дуст!

Аёл қалби чексиз сирлар уммони,

Тутал билмоқ насиб бўлмагай они.

Гоҳо дур ахтарсанг, тош бўлиб чиқар,

Тош кутганинда дур тутар жони.

44.

Эй дуст!

Бас, айтмасам бўлмагай кўнглимдаги борини,

Ҳузуриниға чорладинг қайси юрт дилдорини?

Бир жуфт Сурхон хурмосин кўксига яширибдир,

Ё Бахмал олмасини, ё Қува анорини.

Эй дўст

45.

Эй дўст!

От кимники — минганники,

Тун кимники — кийганники.

Олган — олганники эмас,

Қиз кимники — суйганники.

46.

Эй дўст!

Бу на жондир, кузда излар баҳорини,

Баҳорнда тирамоҳ тонготарини.

Хушвақтликда суҳбат қураб хуштор билан,

Беморликда излаб қолар ўз ёрини.

47.

Эй дўст!

Бир ҳолат: бир майса нозик тебранар,

Шудринг ялтирайди игна учидек.

Бир қизча қаршимда диркиллаб турар,

Менинг қучоғимга нақ тўкилгидек.

48.

Эй дўст!

Ёмғирда қолибди, кўрдим бир гулрў,

Олмагул оқ ҳарир кўйлақдайди у.

Кўйлақдан тумшугин тираб жуфт қушча

Қилар эди учиб кетмоқни орзу.

49.

Эй дўст!

Яхши жисм раво — ота-онадан,

Яхши исм раво — ота-онадан.

Ота-онасига минг бора қуллуқ,

Биз нима истаймиз бу Гулраънодан?

50.

Эй дўст!

Қанча гуллардан бол йиғар болари,

Улар гуллар эмас — боғ парилари.

Бол ялаб ташнасан, билмайсан, улар

Парилар бўсасия тот-атирлари.

51.

Эй дўст!

Тякка жарнинг ўртасида очилган бир гул,

Кўзларимни қувонтирар, кўнглимга мақбул.

Дилозорим олиб беринг, дея нозланар,

Олиб берай десам, менда жуда калта қўл.

52.

Эй дўст!

Бедорман дунёнинг бедорларидан,

Беморман дунёнинг беморларидан.

Улардан аслимининг айтсам фарқини,

Хуморман муҳаббат ифоларидан

2025
3745Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MF

Эй дўст

53.

Эй дўст!

Чўл чечагин ўз нози бор, ўз саси бор,
 Боғ қиёғин ўз бўйи бор, ўз бастн бор.
 Барчаси бир гул-да, дединг, йўқ-йўқ, дедим,
 Бир-бир исла, барчасининг ўз иси бор.

54.

Эй дўст!

Жон оромн, тан оромн сайру саёҳат,
 Дил покиза, тил покиза, руҳда нур, қувват.
 Ёрингни йўлдош этиб олгил ёнингга,
 Улар роҳат-фароғатин беролмас жаннат!

55.

Эй дўст!

Нур ёғилар покиза аёл юзидан,
 Кўнгли бузуқ тушолмас унинг изидан.
 «Онасин кўр, қизин ол» — дейди Ўзбекиюрт,
 Қўлни сўраб турибмиз битта қизидан.

56.

Эй дўст!

Ҳялол каклик — паррандалар дурдонаси,
 Балки шундан юксак тоғда юртхонаси.
 Ёримизни кўтардик биз бошга доим,
 Чунки унинг нурдаин пок хобхонаси.

57.

Эй дүст!

Озорли сүз: айир дүст суҳбатидан,
Балки айиргайсан ул ғийбатидан.
Дунё сўрамайман, бир сўрорим бор, —
Фақат айирма ёр муҳаббатидан.

58.

Эй дүст!

Ишқ озорларидан қаламзандаман,
Эл-юртда овоза шармандаман.
О, лекин бедиллар не деса десин,
Маъшуқамнинг гулбўйига бандаман.

59.

Эй дүст!

Ёр қора сочларин сачратиб тол-тол,
Орқага бир сялкиб ташлаганда дол,
Айтсам ишонмайсиз, шўрлик юрагим
Бир зум тўхтаб қолиб, сўнг урар алҳол.

60.

Эй дүст!

Қалби ишққа тўла бир соҳибжамол,
Бир қаср қурдирди — тафаккурлар лол.
У ўз юрагининг тимсоли, аммо,
Милён юракларга бўлди-ку тимсол.

Эй дўст

61.

Эй дўст!

Саркаш кўклам эди, мен ва ёр — икков,

Бир қирда турардик елвагай, лов-лов.

Ёмғир ёғиб берди, ёрга қарадим,

Ёмғирда ёнарди гулбадан — олов.

62.

Эй дўст!

Балоғат нишони муҳаббат эрур,

Қўй, уни излама, у ўзи келур.

Богдан тошиб чиқди бир гала кумри,

Бирини тилло эрур, бирини гавҳар, дур.

63.

Эй дўст!

Париларким, Кўкнинг соҳибжамоли,

Кимни лол этмади ҳусни камоли?

О, аммо мен учун муқаддас, азиз,

Бағримдаги аёл — Замин аёли!

64.

Эй дўст!

Киниким, танда жон, дилда ори бор,

Азиз умрида ёз, куз, қиш, баҳори бор.

Ватан ва ёрининг сақлар шаънини,

Бу дунёда не бори бор — шу бори бор.

65.

Эй дўст!

Зардоли оғочин чўғи ўчоқда,

Ёр юзи ловуллаб турар қучоқда.

Вужудим якки ўт орасидадир,

О, аммо, билмайман, жоним қаёқда?

66.

Эй дўст!

Товус пат-парларин чотир қилиб ёйгай,

Ул қошида офтоб хижолатда қолгай.

Аммо-лекин бизнинг ёр чиқса ноз этиб,

Товусхон уялиб йиғиниб олгай.

67.

Эй дўст!

Ёрга олма отдим-отдим, олмади,

Суйиб-суйиб суйгулигим қолмади.

Пари муччи бермас, дейди, одамзотга,

Паримикин, куйгулигим қолмади.

68.

Эй дўст!

Ёр кезган боғларнинг тенгсиз чиройи,

Тарафиндан келган еллар анвойи.

Бахтиёр қаҳқаҳа урган чоғида

Тиниб қолгай тоғлар шарқироқ сойи.

Эй дўст

69.

Эй дўст!

Ари — пари, гулғунчада туришин кўр,
 Ғамза билан унинг атрин сўришин кўр.
 Менга олис бир бўй қизни эслатди у,
 Гулдан гулга учиб-қўниб юришин кўр.

70.

Эй дўст!

Дарё бўйларида гуллади юлғун,
 Сафсарранг, пуштиранг, гулбадан, гулгун —
 Висолхона эрур ёр — иккимизга,
 Диллардан ечилади ҳижронан тугун.

71.

Эй дўст!

Бир булоқ — кўзларин бекик, яшпирин,
 О, унинг кўзларин очдим мен охир.
 Ёрга лутф айладим: — Суви кўп ширин,
 Ёр деди: — Ўз ишинг ҳосили ахир.

72.

Эй дўст!

“Меҳр—кўзда, ақл—сўзда,—деди бир аёл,—
 Гарчи кўп бевафо — эркак зақари.
 Ва лекин ҳамиша қувват бўлсин ёр,
 Биз олам бўлсак гар, удир меҳварил!”

73.

Эй дўст!

Мағриб қизи кўз ўйнатар истиғноси билан,
Машриқ қизи дил ўйнатар таманноси билан.
Икки жаҳон оввораси биз — ғариб шоир,
Бир ён кўзу бир ён дилу муддаоси билан.

74.

Эй дўст!

Муҳаббат йўлида фаришта — оқсоч,
Жаллодининг қўлида болта — гулоғоч.
Муҳаббат йўлида шоҳ малкаси
Саройни тарк этди мисли қалдирғоч.

75.

Эй дўст!

Зўрлик билан очилган ғунча,
Ифорсия бир оддий тугунча.
Чорлар эртан ўзи гул бўлиб,
Ишқпараст дўст, узма бугунча.

76.

Эй дўст!

Нечук қиз бу қиз, устимдан кулади-ку,
Ёмонизми биз, кулмаса бўлади-ку?!
Мен ахир ҳеч нарса демадим бу қизга,
О, бору йўғи бир бўса тиладим-ку.

77.

Эй дўст!

Бир жоноки, кўрдиму ой каби бир тўлмадим,
Ой каби бир тўлмадим, кун каби бир кулмадим.
Кун каби бир кулмадим, ўлмадим йўқ, ўлмадим,
Бир умр армон, лекин бир кўриб бир кўрмадим.

78.

Эй дўст!

Ризқи рўз, насиба ҳар жонга суюк,
Сув ичган булогин унутмас кийик.
Бу қизни қайдан ҳам суйдим, фарёдки,
Юрагим йўлбарсининг кўзидек куюк.

79.

Эй дўст!

Шовуш — муз парчалари. Оқар, оқар,
Дарё юзи парча-парча оқарар.
Шовуш — юрагимнинг худди ўзи деб
Битта қиз қирғоқда гуссали боқар.

80.

Эй дўст!

Бир гулгун сийнага бош қўйиб ётдим,
Адо қилди мени, эридим — битдим.
Ҳеч нарса билмайман, билганим шулки,
Жаннат олмаларин тамом унутдим.

81.

Эй дўст!

Бир қиз кўрдим, исмин тутгулик,

Кут, деса бир умр кутгулик.

Минг саволга бир жавоби бор,

Бир қошиқ сув билан ютгулик.

82.

Эй дўст!

Тожмаҳалда турар эдим лол,

Пул бер, деди, лўливаш гўзал.

Майли, дедим, лекин кўнглим ол,

Кўнглинг олсам, деди, бунда қол.

83.

Эй дўст!

Мажнунтоллар орасида марварид ҳовуз,

Атрофида товланади бир неча товус.

Сочларини қуритади офтоб нурида

Ҳозиргина биллур сувдан чиққан пари қиз.

84.

Эй дўст!

Ёр боққа чиққанда, гулзор оралаб

Кўп гулни босди-я бағрин яралаб.

О, лекин изидан тагин у гуллар

Бошларин кўтарди хуш Гулга қараб.

Эй дўст

85.

Эй дўст!

Бир ёт олмазорга кирдим мен кўклам,
Бир қиз пайдо бўлди қаршимда ўктам.

Деди: — Бизнинг боққа хуш келдинг, йигит,
Лекин топармисан чиқип йўлин ҳам.

86.

Эй дўст!

Майли, чин десанг ҳам ё де афсона,
Қирқ газ Тоҳир пастда, кўшқда Зухро.

Зухро қирқ кокилин улаб ташлади,
Тоҳир-Зухро бир жуфт — баландда вафо!

87.

Эй дўст!

Нуртоғда «Тешиктош». Кимки, гуноҳкор,
Ундан ўтаман дер, бўлмишдир ҳалок.

Мен ишқ саҳросида осию бемор,
Унга бошим тикдим — ўтдим. Ишқ пок, пок!

88.

Эй дўст!

Биз ким, Азим, бир гулюзга зор эмишмиз,
Кўртикондек йўлларида хор эмишмиз.

Суҳбатига чорламасмиш тун-кечалар,
Рақибларнинг суҳбаотида бор эмишмиз.

89.

Эй дўст!

Аждаҳони от қилдик сўзимиз билан,
Сув юзига уй қурдик тузимиз билан.
Дарёни терс оқизган авлиё бўлдик,
О, бу қизни... гейг кўрдик ўзимиз билан.

90.

Эй дўст!

Бу жонон хаёли ўрайди бизни,
«Ярқ» — очиб юборди кўр кўзимизни.
Лекин олғир қушдан қочган қуёндек
Нечун биздан қочар, қоралаб сизни...

91.

Эй дўст!

Аёл оғушида мангулик асрор,
Муҳаббат, замзама, илоҳий баҳор.
Жаҳоннинг қаҳрли тождорлари ҳам
Унда гўдак каби ювош, беозор.

92.

Эй дўст!

Бизда ҳарна бори сизгадир, сизга,
Малоллар етмасин ҳеч кўнглингизга.
Амио ёр ўтганда боғни оралаб
Ҳукмимиз зоедир ўз-ўзимизга.

Эй дўст

93.

Эй дўст!

Тонг отгани билинмайди ёр келганда,
Кун ботгани билинмайди ёр келганда.
Кўзларимиз қандай қилиб қияр экан,
Бир кун ажал келиб дунё тор келганда.

94.

Эй дўст!

Бир қуш бордир — сийналари кумушли,
Чаманзорда хон қизидай туришли.
Эл оғзига тушган мерган бўлсам ҳам
Тутолмайман, умрим ўтар — юришли.

95.

Эй дўст!

Оқ бўйнига қора сочи ўралган,
Бир ўрами оқ тўшида таралган.
Бир хилқатким — мармар ҳовуз бўйида,
Ҳовуз бўйни унга қараб буралган.

96.

Эй дўст!

Бу дунё бир бозор. Дўкону раста.
Жаҳон ганж, мол-мулки унга пайваста.
Қўшқўллаб барини ёрга тутардим,
Кўнглимга кўнгли гар бўлса вобаста.

97.

Эй дўст!

Ойгулим, дунёда танҳомдир маним,
Саҳрода чашмадир, тоғда гулханим.
Сув бўлиб кетаман бир қарошидан,
Битта қарошидан ўт бўлар таним.

98.

Эй дўст!

Қиш кунлари. Бизга на дармор?
Ўчоқда чўғ — бир сават анор.
Ойгулжонга новвотли кўк чөй,
Шоирига ўзи етар ёр.

99.

Эй дўст!

Менга ҳеч эмасдир ҳориб-толганим,
Бир гулрў баҳордир ҳаттоки қишим.
Ўзга маконлардан изламайман бахт,
Бахтим оғушимда, кўкси — болганим.

100.

Эй дўст!

— Ой сулуви, Кун сулув,
Қани айтинг, ким сулув?
— Гарчи қора, Тув сулув,
Тунда сиймтан сулув.

Эй дўст

101.

Эй дўст!

Булбул қўнар гулдан-гулга куйлаб-куйлаб,
Ёр келади у ён-бу ён бўйлаб-бўйлаб.
Уйнаб-уйнаб гапирсамда гапларимни,
Ҳар гапимни гапираман ўйлаб-ўйлаб.

102.

Эй дўст!

Бедов отлар хушлагани анғиз бўлар,
Алп йигитлар суйганлари бўй қиз бўлар.
Дарёни дарёдан айиргил, майли,
Ёрни ёрдан айирма, ёр ёлғиз бўлар.

103.

Эй дўст!

Аёзли қиш ўтди, гул фасли келар,
Қуй олтин шаробдан, мушк исси келар.
Мана, қадаҳларнинг жарангин эшит,
Оҳ-оҳ, жаранидан ёр саси келар.

104.

Эй дўст!

Қуй, оқ мусалласдан, ютуми юмшоқ,
Танангни яйратиб, босгайдир чанқоқ.
У ўтган Вақт-Макон синовларидан,
Унинг ватанидир олтинли қумлоқ.

105.

Эй дўст!

Қуй, қизил шаробдан, сафодир бу май,

Соғлому беморга шифодир бу май.

Лекин огоҳ этар донишманд табиб:

«Меъёрин бузганга жафодир бу май».

106.

Эй дўст!

Мени ҳайратларга солади тоқзор,

Унда қанча қувват, қанча раво бор.

Сўқир кўзлар кетар очилиб, аммо,

Тоқлар кўмилганда бамисли мовор.

107.

Эй дўст!

Узум офтоб нурия ўзга қилиб жо,

Хумларга беркинур ертўла аро.

Дев каби қувватда чиқар бир кунн,

Унга тенг паҳлавон бўлмагай асло.

108.

Эй дўст!

Хайёмнинг косаси кўлимида, мана,

Лиммо-лим аланга қилур тантана.

«Ҳалол» ичадирман, бўлсин деб шифо,

Мастлик — «ҳаром»идан асрасин худо.

Эй дўст

109.

Эй дўст!

Тоғ, чашма бўйи, фасли баҳор бўлса,
Гўшти пар-пар, бода-сафокор бўлса.
Шойи кўрпачада ётсанг ёнбошлаб,
Шундоқ ёнгинагда соқий — ёр бўлса.

110.

Эй дўст!

Баҳор ўзганики, куз ўзингники,
Қулоқ ўзганики, кўз ўзингники.
Чибин ҳам лақманинг оғзини пойлар,
Тилинг ўзганики, сўз ўзингники.

111.

Эй дўст!

Насимлар эсдилар сиз томонлардан,
Саломлар элтсинлар биз томонлардан.
Ғарбу Шарқни нурдек боғлагаймиз биз,
Ғарчи биз Ердамиз, гарчи Кўкда сиз.

112.

Эй дўст!

Оврўпа йўқ, йўқдир Осиё,
Амриқо йўқ, Замиин бор танҳо!
Мен йўқ, Сен бор,
Инсон йўқ, йўқ, Инсоният бор!

113.

Эй дўст!

Ҳар битта оила — жамият ўзи,

Ҳар битта оила — бир давлат ўзи.

Оила ичида не тутуминг бор,

Ташда шу аслият — табиат ўзи.

114.

Эй дўст!

Табиатда тартиб изчил, мукаммал,

Бир гул ўсмоғининг ҳикмати азал.

Дарё тошиб оқсин лойқа бўлса ҳам,

Муродингга етгил келмасдан ажал!

115.

Эй дўст!

Жумбоқ дунё! Тангри не муддаоси,

Кўп мавжудот кўрдим, сирдир асоси:

Онасидан пайдо олдин боласи,

Боласидан пайдо бўлгай онаси.

116.

Эй дўст!

Тоғ. Қирлар. Баланд-паст. Ирмоқлар. Жарлар.

Онда-сонда учиб қолар каптарлар.

Ёлғизоёқ йўлдан кетмоқдаман жим,

Ёлғизоёқ йўлда Тангрим бор маним!

Эй дўст

117.

Эй дўст!

Кўз бердинг, оламнинг кўрдим суратин,

Ақл ато этдинг, очдим сийратин.

Тил бердинг ва лекин у шунча ожиз —

Шарҳи йўқдир ҳамон кўнгил ҳайратин!

118.

Эй дўст!

Бир туп ёнғоқ ҳосил бермади — кутдим,

Ва охир қошида ойболта тутдим.

Дарахт тилга кирди — танида титроқ:

— Нечун танҳо экдинг, умрим ўтди тоқ?

119.

Эй дўст!

Дарахтдан дарахтга қаламча пайванд,

Оқибат ҳосил мўл, тоти асал, қанд.

Қалбни қалбга улаб яшасин башар,

Элларни элларга қялгил дўсту банд.

120.

Эй дўст!

Бу олам, кечаги олам демасман

Ва мен ҳам кечаги одам эмасман.

Кеча кундай кулдим, тундай йиғладим,

Бугун кечагидай йиғлаб-кулмасман.

121.

Эй дўст!

Имом Турки Жандий — авлиё Ота,
Шундай инсон эди, шундай беозор —
Либосин дарахтта илмасди ҳатто,
Чекмасин деб менинг юкиндан озор.

122.

Эй дўст!

Лўлилардан сўрадим бир кун:
— Нечун йўқдир сизларда Ватан?
Жавоб берди лўли қиз — дуркун:
— Бизга Ватан Ер юзи экан!

123.

Эй дўст!

Чексизлик қуввати Коинот аро,
Занжирсиз боғланган сонсиз сайёра.
Уларнинг ичида бизнинг Ер, айтгил,
Сайёр Отами ё сайёра Она?

124.

Эй дўст!

Ажойиб замон бу, ажойиб даврон:
Оқил кўриб-билиб сўзлайди ёлғон.
Дарё гирдобига тушиб қолган жон
Жонҳолат ёпишар бўлса ҳам илон.

Эй дўст

125.

Эй дўст!

Борингга қаноат йўқ, йўқни кўзлайсан,
Олдингда оч жавдирар, тўқни кўзлайсан.
Ғолиб ақлинг нечун мағлубдир, билмам,
Ўзинг ўзинг отган ўқни кўзлайсан.

126.

Эй дўст!

Бировни ҳеч қачон қилма умидвор,
Умидвор қилдингми, қил ҳожатин ёр.
Меҳмонни уйда қолдириб мезбон
Кийик гўшти деб ов қилмас ихтиёр.

127.

Эй дўст!

Ўғиллар улғайса, тоғлар улғаяр,
Қизлар бўйи етса, ойлар уялар.
Вақтки, ўзи — тирик эрур отанинг!
Вақтки, ўзи — тирик эрур онанинг!

128.

Эй дўст!

Одамга эл бўлмас бўри ва қоплон,
Уларни эл қилар ўқ ёки қопқон.
Менга эл бўлмоғин қизиғи йўқ, йўқ,
Кўзим қувонмоғи бас эрур, инон.

129.

Эй дўст!

Сирдошимсиз, дўстмиз — ихтиёрликдан,

Беморсиз, чексам озор — беморликдан.

Лекин бир сўзингиз ёдимда доим:

«Широлғи берилмас — бахтиёрликдан».

130.

Эй дўст!

Матонат қайдадир, жасорат қайда?

О, улар сиз асло кутмаган жойда —

Қуён боласини ютарди илон,

Тилка-пора қилди бир тепиб қуён!

131.

Эй дўст!

Дарё қирғоғида ўсар тоғолча,

Сувга дув тўкилар пишди дегунча.

Ҳеч кимга ҳосилдан бўлмагач бир наф,

Қора ўтин учун қилишдилар даф.

132.

Эй дўст!

Маним дўстим санинг ғаниминг экан,

Санинг дўстинг манинг ғанимим экан.

О, қандоқ яшаймиз телба дунёда,

Барчаси санингдир ва маним экан.

Эй дўст

133.

Эй дўст!

Меҳрингни бер бугун гунча, куртакка,

Эртага муҳаббат бўлиб қайтади.

Ҳақ сўзинг айт бугун мурғак гўдакка,

У ҳам эртан сенга ҳақ сўз айтади.

134.

Эй дўст!

Яшасин адолат — азалий дарахт!

Яшнасин адолат — абадий дарахт!

Кимдир бешик ясар гўдакка ундан!

Кимдир ундан ясар жаллодга кунда!

135.

Эй дўст!

Бу оламга ҳеч ким эмас ҳукмдор,

Азал-абад ахир ўз Эгаси бор.

Башар кўриб-билиб талашар уни,

Даъвогарлик қилар қулу давлатдор.

136.

Эй дўст!

Маломат тошларин отмайман унга,

Таъна тўзонларин ёғдирмайман, бас,

О, шу бурга, тариқдайин бир бурга

Бургут парвозларин қилса гар ҳавас!

137.

Эй дўст!

Ахлоқ — буюк қонун — ёмон-яхшига,

Аллоҳ ривож бергай ибрат ишига.

Дунёни сақлагай турлик офатдан,

Гар у ёлғиз сарвар бўлса кишига.

138.

Эй дўст!

Жанг-жадалга рағбат жону қонда бор,

Дейлик, қўй сўймаса қонсирар қассоб.

Майл устувор ё ақл устувор,

На Ер жавоб берар, на Ой, на Офтоб.

139.

Эй дўст!

Инсон узилмоқда ўзагидан,

Дарё чиқиб кетди ўзанидан.

Чавандозин судраб учар учқур от,

Оёқ чиқмай қолган узангидан.

140.

Эй дўст!

Улуғлар тушимга киради бот-бот,

Кеча тонг тушимда юрибди Суқрот.

«Қаерликсиз?..» — ногоҳ сўрабман ундан, —

«Ерликман!..» — деб жавоб берди буюк зот.

Эй дўст

141.

Эй дўст!

Дедҳон ғалла эккай — эккай адолат,
Униб чиқмоқлиги — роҳат-фароғат.
Ўрмоқликни эгри ўроққа қолдир,
Тўғри қилич учун йўқ бунда ҳожат.

142.

Эй дўст!

Бўй етган қиз эмиш мартаба-амал,
Қўлдаги муз эмиш давлат-бойлик, мол.
Ҳа, шундоқ! Бариси ташлаб кетармиш
Кузги дарахтларнинг барглари мисол.

143.

Эй дўст!

Бу айтиш жуда кўп эскидан қолгон:
Бургут билан чумчуқ дўстлиги ёлгон.
Тилло билан тошлар ётар қоришиқ,
Лекин кўр ҳам уни ажратиб олгон.

144.

Эй дўст!

Эл ҳикматин жойладим дилга,
Сўзларимга ҳайрон турмагил:
Ўғлинг бўлса, кулма ўғрига,
Қизинг бўлса, фарга кулмагил.

145.

Эй дўст!

Бир қашқир, тишлари қолган қамашиб,
Ўтиб қолди бир қўй ёнидан сарсон.
Аммо қўй кўзлари қашқирга тушиб
Юраги ёрилиб жон берди шу он.

146.

Эй дўст!

Сўнгги кучин йиғиб қартайган бургут,
Ҳалок этмиш қояга уриб ўзни.
Нақадар гўзалдир бу ўлим — бу қут,
Гарчи даҳшатларга соладир бизни.

147.

Эй дўст!

Одам бош суягига дуч келдим тоғда,
Дедим: «Олисларда ётибсан нечун?»
Деди: «Мени қавмим овлаган овлоқда,
Сен каби тоғларни севганим учун».

148.

Эй дўст!

Оқ тухумдан қора жўжа чиқибди, кўр,
Улкан филни митти сичқон йиқибди, кўр.
Ақлим етиб-етмас дунё ишларига,
Томчи тинмай ўз-ўзига кавлайди гўр.

Эй дўст

149.

Эй дўст!

Элчилик, ажойиб эртаклар тўқир:

Бир касга «йўл кўрсат...» — дебди бир сўқир.

«Ҳамёни қуп-қуруқ» — бақирибди у,

Карқулоқ экан-да бул шўрлик ахир.

150.

Эй дўст!

Каклик соддалигин айлайин баён,

Қишда тулки уни қувлар беомон.

Учиб, қочиб қорга тиқар бошини,

Думи очик қолиб, ўлжа кўп замон.

151.

Эй дўст!

Бу чукча деганнинг гаплари ўқ, ўқ,

Мана, нима дейди биттаси ўктам,

«Чукчасиз оламнинг қизиги йўқ, йўқ

Ва бутун эмасдир инсоият ҳам!»

152.

Эй дўст!

Сойдан балиқ тутар эди болакай,

«Нима қиляпсан?..» — сўрадим атай.

Деди: — Балиқлар совқотиб қолибди,

Уларни офтобда бир исинтирай».

153.

Эй дуст!

Бир хурсанд қилай деб ўз эгасини,

Соат илдамлатди юриш тусини.

О, буни кўрди-ю титради жон-тан, —

Деди: «Вақт — инсонга ягона душман!»

154.

Эй дуст!

Бир қавм бўлганмиш бурун-бурунда,

Тунда илон экан, кундузи — багда.

Уша қавм бизнинг асрга келиб,

Аждарга айланмиш кундаю тунда.

155.

Эй дуст!

Ҳар сезги-сезимга эрк берсанг агар,

Тубан майл-истак бўй берар тар-тар.

Руҳ — хаста олами билмас чегара,

Оқ-оппоқ сутда ҳам қон бор муқаррар.

156.

Эй дуст!

Бир нидо эшитдим мен кўкнинг қаъридан,

Бир пайт Ер чиқиб кетмиш ўз меҳваридан

Ва гескари айланиб қолмиш, ишонгум,

Буни кўриб турибмиз башар феълидан.

161.

Эй дүст!

Илон йўлда ётар кулала бўлиб,

Деҳқон босиб олди, шу — ута туриб.

«Кўрмисан?...» — деб илон чақди деҳқонни,

«Йўлда ётма!..» — деҳқон чопди илонни.

162.

Эй дүст!

Табиятдан нусха олгайми инсон:

Кўрдим, икки булоқ оқадир равон.

Бирн совуқ жуда, бириси иссиқ,

Ва лекин иккиси шундоқ ёнма-ён.

163.

Эй дүст!

Ўрмонлардан чиқиб келадир сўқмоқ,

Тоғларни оралаб еладир сўқмоқ.

Кимни кутиб олгай, кимни кузатгай,

Бунн танҳо ўзи биладир сўқмоқ.

164.

Эй дүст!

Мен неки эшитдим шоҳ саройида,

Уларни қолдирдим ўшал жойида.

Баланд тоғлар елларн ҳам бўрон эрур,

Бунн фақат ул тоғларда юрган билур.

Эй дўст

165.

Эй дўст!

Одамзот қорни тўқ, кўзи оч бўри,
Кўзи тўймас унинг қорни тўйса ҳам.
Ўз тўрига ўзин ўрайди ўзи
Ва тағин Аллоҳдан кутади карам.

166.

Эй дўст!

Ўрмонким, махлуқот галаю гавжум,
Ожизу кучсизлар — кучлиларга ем.
Адолат ахтарма сиёсатдан кўп,
У шундай юҳоки, сен эмас ҳеч ким.

167.

Эй дўст!

Бу дунё, бу ҳаёт нима ўзи, кўр?
Бир киши дўзахга тушмиш — бериб жон
Ва олов ичида дебди: — Худойжон,
Жаннатдан жой ато этибсан, шукр!

168.

Эй дўст!

Учмоқ, парвоз қилмоқ — илоҳий неъмат,
Аллоҳ қудрат берса, учгайдир наमत.
Парвоздан воз кечди туяқуш — ялқов,
Алалоқибатда дуч келганга — ов.

169.

Эй дўст!

Насроний дўстимдир, оташпараст — дўст,
Бу — мусулмон дўстим, бу — бутпараст дўст,
Бир чироқ теграсида жамулжаминия,
Бизга керакдирми мазҳабпараст дўст?

170.

Эй дўст!

Қай ёнга қарама уруш-тўполон,
Замин дарз кетди одам қутқусидан.
Фалакларга ўрлаб ёнади ўрмон,
Айиқ уйғонмади қиш уйқусидан.

171.

Эй дўст!

Мен ҳикмат айтаман, арава жилар,
Дехқон кетмонини елкага илар.
Тушиб кетар жаллод қўлидан болта,
Ҳукмдор адолат либосин кияр.

172.

Эй дўст!

Овчи марол отди зов ёқасида,
Шохидан тутди у жон ҳалқасида.
Марол бир силкиниб қулади жарга,
Овчи учиб кетди у билан бирга!

Эй дўст

173.

Эй дўст!

Қувган ҳам худо дер, қочган ҳам худо,

Тулки қочиб борар отлиқ рақибдан.

Қочиб думин жарга отади гўё,

Отлиқ ҳам отилар, сўнг чиқмас жардан!

174.

Эй дўст!

Бугдойбошоқ ҳар жойда эмиш,

Пазандаси бир жойда эмиш.

Тақдири азалдан бўлмайди қочиб,

Султон — гадо, гадо саройда эмиш.

175.

Эй дўст!

Буқаламун бир кўзи — кечасида,

Иккинчи кўзи эса — эртасида.

Ови барор келганда кузат аммо:

Ҳар иккиси бугунги ўлжасида.

176.

Эй дўст!

На сир қолди Осмон ичинда,

На сир қолди Уммон ичинда.

Ва лекин мозийдан тинглаганим бор:

«Барча сирлар эрур Инсон ичинда!»

177.

Эй дўст!

Шафақ тўлқинларига турибман боқиб,
Барча ранг жамулжам, кўз олар балқиб.
Кел, тўйиб боқайлик, гарчи тўймасмиз,
Умрдек йитгайдир ҳадемай қалқиб.

178.

Эй дўст!

Бир дарахтда турлик қушлар ошени,
Бир тоғда жонзотлар алвон-алвони.
Қасд билан яшайдир бунча одамзот,
Гарчи бор ҳар кимнинг рияқи, макони.

179.

Эй дўст!

Баланд тоғда яшар жинни — яланғоч,
Жону жонзотларга гўёки тилмоч.
Ёвуз қашқирларга қичқириб қолар:
«Одамзот келмоқда, қочгил ундан, қоч!»

180.

Эй дўст!

Келинчак бўйида қолди гумона,
Чироғи ўчиқдир, йўқдир парвона.
Тили узун тилин тийсин, о балки
Ул бева наслидан бир ҳур замона!

Эй дўст

181.

Эй дўст!

Дехқон эндигина уйганди хирмон,
 Кўкларга совурди келяб бир тўзон.
 Тўзиб кетганларин еди чуғурчуқ,
 Қолган-қутганларин қийратди сичқон.

182.

Эй дўст!

Кўзлари тиллодан, тирноқлар тилло,
 Султон саройида яшар бир тулки.
 Емаклар тиллодир, ялоқлар тилло,
 Лекин товуқ пойлаб эл-юртга кулки.

183.

Эй дўст!

Магарки қондошинг иблис, олчоқ, сур,
 Қочиб кетсанг арзир узоқ-узоққа.
 Овчининг хонаки каклигини кўр,
 Ўз қавмин туширар жела-тузоққа.

184.

Эй дўст!

«Девор қулоғи бор, секироқ гапир» —
 Кўп ашитдим. «Ёлғон!» — бақирдим охир.
 «Рост!» — деди қайдандир чийиллаб сичқон,
 « — Деворнинг қулоғи иенда-ку, ахир!»

185.

Эй дүст!

Күп бой боласини кўрдим күп замон,

Совуқ сувга қўлин урмас ҳеч қачон.

Эл-улус бекорга айтмас экан, ҳа:

«Мушукни тўйдирсанг, тутмайди сичқон!»

186.

Эй дүст!

Одамзот чидамас иссиқ, совуққа,

Гап топиб юргайдир йироқ-ёвуққа.

Кўкдаги бургутни тутмоқ бўлар гоҳ,

Дон бера олмай гоҳ ерда товуққа.

187.

Эй дүст!

Чексиз-чегарасиз коинот аро

Учиб юрар сонсиз дайди сайёра.

Ерга урилмоқдан сақлар-ку Аллоҳ,

Одам балосидан сақларми аммо?

188.

Эй дүст!

Кафолат бермайман, ростдир ё ёлгон,

Бу гапни айтганди бир даштлик чўпон.

Бир овчи қизига илон уйланмиш,

Меҳмон бўлиб кетар эмиш ҳар замон.

Эй дўст

189.

Эй дўст!

Қора лочин чиқди каптар овига,

Хонаки каптарим тушди домига.

Мен дедим: — О, ёвуз, юборгил қўйиб.

У деди: — Сен қўйдинг, мен ейман тўйиб.

190.

Эй дўст!

Миққиқушга сичқон қолди чув тушиб

Ва нима дейди де, бу сичқон фақир:

— Мени қўй, қорнингни юборгум тешиб,

Деворларни тешиб юрганман ахир.

191.

Эй дўст!

Уйқучи уккиқуш рангин дунёни

Фақат оқ ва қора рангда кўргайдир.

Ва ҳатто патларин туси — жилони

Қалби кўр кимсадек билмай ўлгайдир.

192.

Эй дўст!

Бир каптар келдию елкамга қўнди,

Ҳайдадим, учдию илкимга қўнди.

«Ҳай-ҳай» лаб қувладим... у кўкдан деди:

— Омадинг эдим мен, ўзинг тут энди!

193.

Эй дўст!

Ғалат қуш — дунёнинг бир чеккасида,
Дон-дунлар тўладир гир чеккасида.
Лекин ўз ахлатин япайдир титиб,
Нимадир ахтариб, нимадир кутиб.

194.

Эй дўст!

Савоб иш қил, унинг йўллари йўлдир,
Ғар парвариши мўл — ҳосил-да мўлдир.
Ёввойи ток ғовлаб ётар қир ошиб,
Хонакисин меваси қўлма-қўлдир.

195.

Эй дўст!

Бир кўҳна китобким, варақ очиб дер:
«Ҳамон сақлаб келар Торғилқушни Ер.
Аллоҳим не учун сақлагай уни,
Минг ғозни ўлдириб, биттасини ер?!»

196.

Эй дўст!

Бахт қуши учирилар эди одатда,
Подачи подшо бўлди бир мамлакатда.
Дастуриламал Ҳалоллик бўлди фақат,
Боғдек гуллаб-яшнади бутун мамлакат.

Эй дўст

197.

Эй дўст!

Ҳукмидор саройин эгаллар ёлғон,
Қиличлар яланғоч, гумдондир қалқон.
Ранят, йўқсиллар дарё бўйида
Бир ҳовуч сувга зор — томоқда талқон.

198.

Эй дўст!

Не жонзот мавжудким катта ўрмонда,
Бир-бирини пойлар, овлар ҳар онда.
Бу ҳолни кузатиб, ўйлаб қолдим мен:
Овчи бўлмаган зот борми жаҳонда?!

199.

Эй дўст!

Буғдойнинг бошоғи донга тўлиқ, тўқ,
Шу боис мўътабар, азиз, кўнглим тўқ.
«Қўй уни, мен борман», — дейди, — арпаған,
Арпаған — бошоғи бору дони йўқ.

200.

Эй дўст!

Инсон бунча ўзга оламларга ўч,
Ўз макони қолиб, кўкка уча-уч.
Она сайёрангни, яхшиси, сақла,
Қиёмат қўпса гар, бўлмас кўча-кўч.

201.

Эй дўст!

Бошинг кўкка етсин, кўкрагингни кер,
Лекки бир донишманд, мана, нима дер:
Мағрурлик — тама бу! Чиранма! Бир кун
Ота Ер, Она Ер — ҳаммамизни ер.

202.

Эй дўст!

Мудом табиатга меҳрим сочгандим,
Ғалат ҳолатлар юз кўрсатди гоҳи:
Тоғда бир булоқнинг кўзини очгандим,
Ажаб, қуриб қолди, ўзим гувоҳи.

203.

Эй дўст!

Ўйлайман оламнинг охиратини,
Охират оламин қиёматини.
Ҳар макон, ҳар замон кўргим келади
Оламга одамзот оқибатини.

204.

Эй дўст!

Олам синоатин билмай ўтдик биз,
Қайдан келдик, охир қайга кетдик биз.
Уринсиз ботирлик — оламга зое,
Музаффарлик дебон бир-бир йитдик биз.

Эй дўст

205.

Эй дўст!

Айтарлар: «Ё ҳаёт ва ёки мамот!»

Ҳаёт учун шаксия — ғалаба нажот.

Гар ҳаёт бўлмаса, голиблик нечун,

Ўлимга жон тикмоқ, айтгил, на ҳожат?

206.

Эй дўст!

Бу ҳаёт — муаллим, ўқитар мени,

Очлик эмас, тўқлик кўрқитар мени,

Ки, очликда тўқлик умиди бисёр,

Тўқликда-чи, очлик хавотири бор.

207.

Эй дўст!

Икки қуён овод яшар эди ўрмонда,

Икки милтиқ топди улар бир ажаб онда.

Ҳазиллашиб бир-бирини қўйди-ку отиб,

Бўри пойлаб юрар эди ва еди ётиб.

208.

Эй дўст!

Тун-кун милтиқ сотар қуролсоз,

Олқишлайди сайёду сарбоз.

Олис тоғда қоракўз кийик,

Майса чимдир — дил тўла ҳадик.

209.

Эй дўст!

Оламни бузгудек бир дам, бирпасда,

Йўлбарс ўкиради темир қафасда.

Гарчи ҳимояда, қалтирар жайрон,

Меҳри қафасларга ортади чандон.

210.

Эй дўст!

Тўппа-тўғри эрур эгрилик йўли,

Эгри-бугри эрур тўғрилик йўли.

Кўп мантиқ ахтардим инжиқ дунёдан,

Мени адаштирар унинг тоғ-чўли.

211.

Эй дўст!

Жаҳон саҳнасин табъ рангга бўярлар,

Инсонми, замонми кулар, куярлар.

Ўқидим, кўрдим: не улуғларни

Аввал ўлдирарлар, кейин суярлар.

212.

Эй дўст!

Бу олам, билгилки, бир хонадондир,

Дини ёр ё динсиз — бари бир жондир.

Бунда мезбон йўқдир, зафарбардор йўқ,

Бари бир-бирига мағлуб меҳмондир.

Эй дўст

213.

Эй дўст!

Макон ичра: калтак тутган оломон —
Талашар мамонтлар гўштиги беомон.
Бугун ўша тўда талашар дин-ирқ,
Не қадар комиллик топди, айт, инсон?

214.

Эй дўст!

Умринг узун бўлсин ва мулкинг обод,
Оту яроғингга эга бўл овод.
Башарга башарнинг меҳри йўқ, аммо
Ёвузлик, неки бор, қилгуси барбод.

215.

Эй дўст!

Бунча тўполондир бу гардун, бу ёқ,
Ҳар ёнга қарасанг отлару туёқ.
Нурга етдим, дея қувонган эдим —
Йўлнинг чеккасида — мен унган қиёқ.

216.

Эй дўст!

Ишқ — лавзат. Маст этиб йиқди қуённи,
Бўри тутди, пойлаб худди шу онни.
Бундай номардликни кўп кўрган олам,
Айниқса, устаси фарангдир одам.

217.

Эй дўст!

Бу осмон, каттакон мазор бу осмон,
Бу уммон, каттакон мазор бу уммон.
Қабрлар уларда дўнг бўлиб турмас,
Азалий қабристон, абад қабристон.

218.

Эй дўст!

Қариндошинг турса, кўзида ёши,
Жигарларинг турса, хам бўлиб боши.
Синиқ жилмайишса устига-устак,
Татимас экан ўз давлатинг оши.

219.

Эй дўст!

Бир макиёни бўғиб олганди илон,
Оқ хўроз айланиб чорасиз гирён.
Илон деди менга: — Хомтама бўлма,
Яхшиси, хўрозни олиб кет бир ён.

220.

Эй дўст!

Инсон идрокидан афзал илон идроки,
Қурт-қумурсқалару сичқон идроки.
Зилзила аввали, тўфон аввал — гувоҳман,
Афзалдир ер остидаги ҳар жон идроки.

Эй дўст

221.

Эй дўст!

Баъзи бир зот, бу оламни кўриб-билиб,
Ўраб-чирмаб олмоқ бўлар ҳалқа билан.
Тезакқўнғиз бир тезакни думалатиб,
Бу ҳалқани бузмоқ бўлар «орқа» билан.

222.

Эй дўст!

Бирор гап ёзмайман ўзи йўқ ердан,
Бор жонивор қўрқар бургут ва шердан.
Куч-қудратнинг жойи тутқунлик наҳот,
Уларни кўп кўрдим қафасда, ҳайҳот!

223.

Эй дўст!

Абадий музликлар қаърида — асрор,
Балки мамлакатлар, шаҳарлар пойдор.
Йнсон — фикри жумбоқ. Билмайсан асло,
Мен ўзим айтмасам, қалбимда не бор!

224.

Эй дўст!

Сув қарқараси қанотин қилар соябон,
Сояга интилар балиқ — ўлжалар шу он.
Мумкин дир сояпарвар одамни тушунмоқ,
Лекин балиқларни тушунмоқ эмас осон.

225.

Эй дуст!

Битта овчи чиқди тўнғиз овига,
Ношуд эди, тўнғиз ташлади ёриб.
Шундоқ тушар унинг ҳол-аҳволига,
Ёв кучин билмаган оқилу ғариб.

226.

Эй дуст!

Бир ўлакساني тулки тортар бир ёнга,
Ғажир бир ён тортади, шоқол-чи — бир ён.
Юксак чўққидан боқиб улар томонга
Менинг султон бургутим турадир ҳайрон.

227.

Эй дуст!

Сувларнинг устидан оқади сувлар,
Майсалар устидан унар майсалар.
Ҳар саҳар жилмайиб чиқади қуёш,
Шукр, дейман, гарчи кўзларимда ёш.

228.

Эй дуст!

Олам неъматлари мўл-кўлдир, аммо
Исрофгар бўлса гар — эрдир, аёл ё
Ва ёки подшодир ва ёки гадо,
Дарё бўйидан ҳам қувилмоқ раво!

Эй дўст

229.

Эй дўст!

Қоратоғ тўшида жодули гор бор,
Уни макон этмиш бир пари — айёр.
Арқон ўртасига ташламиш тугун,
Икки дўст ечолмай бир умр абгор.

230.

Эй дўст!

Бас, мутлақ Эзгулик йўқдир жаҳонда,
Ҳалоллик буй-баста ҳамиша эгик.
Башар нэғиб юрар исқирт маконда,
Шоли бошогини тик кўрмадим, тик.

231.

Эй дўст!

Баъзи кимсаларни тушунмоқ оғир,
Бировга юклайди ўз юкин ахир.
Худди какку — ором бериб жонига,
Тухум қўяр ўзга қуш ошёнига.

232.

Эй дўст!

Бу чексиз ерлар кўп сертепадир, боқ,
Улар тепаларми, қара яхшироқ.
Жангу жадалларда не-не ўғлонлар
Дустўман йиқилиб бўлганлар тупроқ.

233.

Эй дүст!

Мени чулғаб олар тунлар зулмати,
Шодлигидан кўпдир инсон кулфати.
Ва лекин шивирлар бу кўнгил ғариб:
«Ой булут ичинда қолмас сарғайиб!»

234.

Эй дүст!

Айиқ болаларин ташлаб кетди,
Рости, тоғда адаштириб кетди.
Кучсия, дардмандлари ўлди очликдан,
Қайси соғлом, қобил — яшаб кетди.

235.

Эй дүст!

Яҳудий қизига қилар насиҳат:
— Гулни гул чанглаши эрур зарурат.
Қай бир ирққа мансуб бўлмасин жуфтинг,
Фарзандинг сеники — яҳудий миллат!

236.

Эй дүст!

Ҳарнага сабрда бўл, йиртма ёқа,
Дарё суви тозарар оқа-оқа.
Боқ, оддий қуш ҳам сенга ибрат бўлур,
Манзилга етар қанот қоқа-қоқа.

Эй дўст

237.

Эй дўст!

Дунё аслияти нима, ўйла, боқ —
 Анжир дарахтининг сути каби оқ.
 Кўкда қуш тилидан томчилади қон,
 Фалокат кутмаган жойингда мезбон.

238.

Эй дўст!

Чаённи қарагил, кўркли, нозикдир,
 Ушла, томоша қил, жуда қизиқдир.
 Мамонт аждодидан аждоди қадим,
 Лекин тузалмагай — феъли бузуқдир.

239.

Эй дўст!

Ўғрига ёқмайди ойнинг ёруғи,
 Тождорга ёқмайди доно йўриғи.
 Кийик бурнин тиқар илон инига,
 Заҳардан босилмиш овўқ оғриғи.

240.

Эй дўст!

Бу олам тилсимдир, одамзод тилсим,
 Улар сирин очмоқ бўлади ҳар ким.
 Сўнгги дарвозага етганда, бироқ,
 Умри тугар, тагин барчаси жумбоқ.

241.

Эй дўст!

Ер жуда кичикдир, каттадир Олам,
Кўз нима кўрибди, қалбники пеша.
Замин нафасини тарк этмай бир дам,
Фалак қудратига суяниб яша!

242.

Эй дўст!

Сой бўйи супада тўрт чол ўтирар,
Менинг назаримда, кимнидир кутар.
Қуйи солиб оппоқ бошларин, ҳайҳот,
Сувга термилади, сув оқар-кетар.

243.

Эй дўст!

Томчидан жилғалар, жилғадан сойлар,
Сойлардан дарёлар қуввати пайдо.
Одамки одамга кўнглини бойлар,
Улар қудратидан ҳайратда дунё.

244.

Эй дўст!

Дунё тушларига топмадим таъбир,
Тўрт томон талотўп, чегара — сабр.
Башарни Халқ дедим, Заминни — Ватан,
Дарёлар сертўлқин — қирғоққа жабр.

Эй дўст

245.

Эй дўст!

Думига таяниб учқур ўқилон,
Асо каби тикка туради обдон.
Кунимга ярар деб қўл чўзди бир зот,
Кейин не бўлгани ўзига аён.

246.

Эй дўст!

Бир сайёдга дедим: «Қанча жонивор
Ўқингдан омонсиз, гуноҳинг бисёр.
Ахир қўрқмайсанми?» У дер ишшайиб:
— Не қилай, нафсимнинг мингта оғзи бор.

247.

Эй дўст!

Баҳор доим баҳорлигин аён этар,
Офтоб нури булутларни ёриб ўтар.
Бижғиб ётган кўлмакларни кўп кўрдим мен,
Оқар сувлар ўз йўлларин топиб кетар.

248.

Эй дўст!

Ҳаёт дарсин ўқиб келдим ҳар қачон,
Гоҳо совуб кетдим, гоҳ тушдим терга.
Инсон ғам-шодлиги экан ёнма-ён,
Бирн кўкка тортар, бириси ерга.

249.

Эй дўст!

Сен каби бир дўстим бор эди маним,
Бир кун у мансабли бўлди — қувондим.
Олдига боргандим, қиқирлаб кулди,
О, мансаби билан ёмон урди-и...

250.

Эй дўст!

Лал-лал ёниб турар тоғда ёнаргул,
Унинг таги илон ўрдаси буткул.
Тунда кириб бордим, Илоншоҳ деди:
— Кет, ўз қавминг ичра бўлганинг маъқул!

251.

Эй дўст!

Дарахт — улкан, кесар боши-учидан,
Илдизидан кесар ниҳол бўлса, боқ.
Сир бермас, гарчи тоғ нураи ичидан,
Сирни сир очгайдир бир куни бироқ.

252.

Эй дўст!

Тенг ярми тупроққа кўмилган оқ Тош, —
Ёнидан ўтардим, сўз қотди ювош:
— Тангри ярлақагур, дуо ўқиб ўт,
Остимда аждодинг, мен-чи, қабртош.

Эй дүст

253.

Эй дүст!

Олам ва Коинот яхлит, ягона,
Жонсиз нарса йўқдир ва ё бегона.
Фақат башар ўзин имтиёзли дер,
Шу билан қалби кўр, умри ғамхона.

254.

Эй дүст!

Гоҳ-гоҳи юрагим титрайди зир-зир,
Коинот тўла сир, Замин тўла сир.
Мангулик ҳақида уйлаб тургандим,
Оҳ, Қуёш ойларга тутилиб — асир.

255.

Эй дүст!

Самовийлар ҳақда гаплар басма-бас,
Шов-шувларга тўлди Ер сайёраси.
Нега кўп термилгум фалакларга, рост,
Қонимда бормикин қонин зарраси?

256.

Эй дүст!

Тоғ кўкида оппоқ-оқ булут сузар,
Унга ҳушим кетар — мен бир йўлкезар.
Чўпон дүст дер: — Қара, қора булутга,
Бир қорин мойни бир қумалоқ бузар.

257.

Эй дўст!

Қирлар елкасида кунгабоқарлар,
Офтоб қай тарафда, унга боқарлар.
Баҳсу талошларнинг бари беҳуда,
Ҳаёт асоси не, шунга боқарлар.

258.

Эй дўст!

Буралиб-буралиб рақс тушар илон,
Буралиб-буралиб рақс тушар жонон.
Буралиб-буралиб рақс тушар замон,
Буралиб-буралиб... ким эрур инсон?

259.

Эй дўст!

Ёввойи буқани йиқди шер султон,
Пайдо бўлди чиябўрилар шу он.
Шерни қувиб солди улар тўдаси,
Боқ, тайёрга ага шумшик оломон.

260.

Эй дўст!

Товуқхона қурдим, тўлдирдим уни,
Бир тулкидан мактуб олдим шу куни:
«Айтиб қўй, сурбетга ўхшар хўрозинг,
Уйқуни бузмасин, чиқмасин уни».

Эй дўст

261.

Эй дўст!

Менга дер сайёҳ дўст: « Ҳа, кенгдир олам,

Лекин бир ҳар жойда тақдир ёзиғи.

Қурбақа илонга энг тотли таом,

Илондир лайлакнинг ширин озиғи».

262.

Эй дўст!

Тоғ қояларин бир бўлағи каби

Тибет тоғларида яшар бир табиб.

Изалаб борган эдим дардимга дармон,

Деди: — Сенга даво Юртингда, инон!

263.

Эй дўст!

Денгиз қирғоғида уюм-уюм жон —

Оғзин кашпа очиб сув сўрар нолон.

Уларни балиқ деб ўйлама, улар

Аслидан — Аллоҳдан айро зот — инсон.

264.

Эй дўст!

Ўтмиш йўриқлари бермаса самар,

Уни ўзгартирмоқ жоиз, муқаррар.

Албатта, кифоя эрур эди шам,

Ва лекин чироқни кашф этди Одам.

265.

Эй дўст!

Денгиздаги тоғ-тош, қирдан огоҳман,
Фалакдаги парқу — пирдан огоҳман.
Бу такаббур жаҳон сирман дейди, сир,
Билмайдики, ўшал сирдан огоҳман.

266.

Эй дўст!

Саҳронинг тўшида тўрт-бешта тухум
Анчайин ётибди бўлиб бир уюм.
Бепарво боқмагил, улар базинҳор
Кўкда учадирган эртанги шунқор!

267.

Эй дўст!

Бир Қуш юмуртқаси бу Замин — бутун,
Ичида оқ, сариқ — икки ранг гулгун.
Ундан бунёд эрур бир қора жўжа,
Қарагил, макони хароба бутун!

268.

Эй дўст!

Жой рангида эрур жонивор ранги,
Дейлик, дашт рангидадир шунқор ранги.
Одам қайга қочиб борар ўздан,
Унда жам Оламнинг беқарор ранги.

Эй дўст

269.

Эй дўст!

Алаи билан ғозга деди қурбақа:

— Балиқ бўлолмайсан сувда сузсанг ҳам,

Қирғий бўлолмайсан кўкда учсанг ҳам,

Ерда эса мендек йиртасан ёқа!

270.

Эй дўст!

Қулоғи қар эрур, кўзларим — бедор,

Тоғдами, саҳрода — бўри бўридир.

О, кимки у каби бўлса ҳуқидор,

Битта сурув эмас, эл-юрт шўридир.

271.

Эй дўст!

Ёвни кам кўрмагил, сусти кўрма уни,

Бошинга етмоғи мумкин бир куни.

Саҳрода кўрдимки, митти қорақурт

Тупроқ тишлатибди катта йилқини.

272.

Эй дўст!

Дунёда шер янглиғ ялқов ҳайвон йўқ,

У каби серғафлат, лоқайд, нодон йўқ.

Лекин яраланса, дуч келма зинҳор,

Унга бас келгучи бир паҳлавон йўқ.

273.

Эй дўст!

«Қошлон ўлдирганман...» — менга бир овчи

Ёш пайтим мақтаниб қилганди баён.

Кеча хабар айтди битта йўловчи:

Чақиб ўлдирибди уни бир чаён.

274.

Эй дўст!

Отга минайми дебон қанча умрлар ўтгай,

Кўнгилда шубҳа-гумон, мурод-мақсадсиз йитгай.

Етгаймикин манзилга йўлга тушмаган кимса,

Манзилга ким етгайдир? Йўлга тушганлар етгай.

275.

Эй дўст!

Бир уюм қоратош ётар саҳрода,

Тоғ бўлгум, дейди у, менга афтода.

Қувониб кетдим-ку бир дўст қатори,

Ахир орзу — камол берар дунёда!

276.

Эй дўст!

Бир қуш учиб кирди хонамга ўзи,

Сўнг зарбдан қизарди дераза юзи.

Наҳотки сигмади бепоён кўкка,

Жон берди кулбамда куппа-кундузи.

Эй дўст

277.

Эй дўст!

Икки саъва ошён қурган боғимга,
Раҳматлар айтурман жуфт сайроқимга.
Суюб қучгим келар — очаман қучоқ,
Лекин улар келмас тор қучоғимга.

278.

Эй дўст!

Турлик қуш ҳовлингга қўнарлар тўп-тўп,
Қишдан ожиз улар, насибасин сеп.
Гар қувласанг, қувла менинг кўнглимга,
Бу дўстларга унда дон-дунларим кўп.

279.

Эй дўст!

Бир хоқон дер менга: «Уруғинг — Бургут,
Айт, менинг теграмда айланиб учсин».
Мен дедим: «Чўққида туғилган ул Ўт,
Сенинг паст тегрангга қандайин учсин?!»

280.

Эй дўст!

Менга инъом этди овда шаҳсувор
Аждар терисидан бир тасма — ёдгор.
Унинг бобосини кўп йиллар — қадим
Бўри ҳамласидан олиб қолгандим.

281.

Эй дўст!

Йўлдан адашмадим — йўлсиз юрсам ҳам,
Йўлдан адашмадим — дўстсиз қолсам ҳам.
Аллоҳ ёвуқ қилган йўлим бор маним,
Ёвуқдан тонмадим — ёрдан тонсам ҳам.

282.

Эй дўст!

Мен бир гап эшитдим даштлик тулкидан,
Ўзимни тиёлмай қолдим кулкидан:
«Товуқ зоти борки, меники эрур,
Итингиз қувлайди нечун мулкимдан?»

283.

Эй дўст!

Овчилар бошида икки чироқ бор,
Улар ёниб турар, ўзлари иқрор.
Чироқларни кўриб жон сақлар жонзот,
Йўқса қолмасди бир тирик жонивор.

284.

Эй дўст!

Йўқ, йўқ, бу оламнинг ибтидоси йўқ,
Ибтидоси йўқки, интиҳоси йўқ.
Не топса, топгайдир одамзотидан,
Ундан ўзга офат — ўз балоси йўқ.

Эй дўст

285.

Эй дўст!

Ҳақ киши қўрқмасин ноҳақ кишидан,

Хижолат чекмасин чинлик ишидан.

Барча юмиб турса очиқ кўзини,

Дунё вил кетади ичи-ташпидан.

286.

Эй дўст!

Одамким одамга ғанимат эрур,

Барча билгай буни, лекин ким билур?!

Мана, баҳор ўтди, ёз ҳам ўтибди,

Куз ҳам ўтажакдир, қиш — кафтда турур.

287.

Эй дўст!

Кунлар гоҳ совуқ, гоҳ иссиқ, илиқдир,

Осмон чақмоқ чақар, эгар бошларни.

Буғдой донининг ҳам қорни тилиқдир,

Дарё суриб борар тилло тошларни.

288.

Эй дўст!

Шоир руфузалога не бўлган ўзи,

То тирик бир-бировга йўқ илиқ сўзи.

Минбарларда бўзлар дунёдан ўтса,

куппа-кундузи.

289.

Эй дўст!

Сиячилик қил доим ўзингга ўзинг,
Кўзингдан қочирма ану бўйингни.
Кўрдим кимсаларни, ичишиб тузинг,
Отингни минарлар, ечар тўнингни.

290.

Эй дўст!

Тош устига дон сепдим, униб чиқди,
Чўғ устига сув сепдим, ёниб чиқди.
Нодон укамга минг бир ҳикмат айтдим,
Барчасидан у тониб-тониб чиқди.

291.

Эй дўст!

Ғайратинг зиёда, қайноқсан-қайноқ,
Орзиқиб манзилга шошасан, ёҳу,
Аmmo ўз вақтида етасан қандоқ,
Ахир уловгинанг чўлоқ хўтик-ку?!

292.

Эй дўст!

Рақибим кўплагинечун, билмайман,
Жон дўстим камлигинечун, билмайман.
Нимани билур, дўст, бу Азим Суюн,
Бас, эртан билурман, бугун билмайман.

Эй дўст

293.

Эй дўст!

Биргаман, булоқ — суви тиниқли билан,
Биргаман, қалдирғоч — хуш қилиқли билан.
Дили дунё билан бутун ёрон-ёт,
Биргаман, гадо — кўнгли синиқли билан.

294.

Эй дўст!

Турналар сардори турнадир албат,
Бўриларга бўри арлони эга.
О, лекин бичилган сур серка фақат
Қўйларни етаклаб юрадир нега?

295.

Эй дўст!

Ҳар кун Шайхзода йўл бўйи бир қур
Чақа ташлар эди битта гадога.
Бир кун чўнтак бўм-бўш... гадо тушмагур:
«Ишлаш керак!...» — деди Шайхзодага.

296.

Эй дўст!

Боғда айш устуна ўтирган, эй дўст,
Кўкдаги булутни сўккандан кўра,
Унинг кўланкасин қадрини рост-руст
Чўлда сурув сурган чўпондан сўра.

297.

Эй дўст!

Қўл билан ишласанг қулдирсан илло,
Ақл унга эш бўлса расосан, расо.
Қўлу Ақлга Қалбни пайванд қилсанг гар,
Ўздин таратгайсан илоҳий наво!

298.

Эй дўст!

Тоғлар чўққилари билан доврўқли,
Бургутлар шавкати озодлигидан.
Хукмдорнинг ҳукми элга ёруғли,
Демак, у шонли дил ободлигидан.

299.

Эй дўст!

Сўқирлар бир жойда ўтказди йиғин,
Карларга қаратди ғазаблар тиғин:
— Нега улар бизнинг гапни тингламас,
Қулоқларга тиқиб олганми тиқин.

300.

Эй дўст!

Олти қирнинг ортидаги гапдир бу гап,
Ўнг десанг ўнг, чап десанг чап гапдир бу гап:
«Отаннинг ўғли бўлибон қолиб кетма,
Одам ўғли бўлмоқ керак — унутма!»

Эй дўст

301.

Эй дўст!

Маним подшо кўнглим нима истамас,
Лекин кўнгил билан яшаб бўлмас, бас.
Эзгу Ақл, Қаноат, инсон қудрати,
Наслини ўйламас фақат эсипаст!

302.

Эй дўст!

Мен парво қилмадим зару зўрларга,
Ўзимни урмадим турли тўрларга.
Фуруру оримни бошга этдим тож,
Шу боис беминнат киргум қўрларга.

303.

Эй дўст!

На тасдиқ, на инкор кўриниши бор,
Бу қандай кимсаки, англамоқ душвор.
Ботқоқда ётибон ов кутар тимсоҳ,
Унга дуч келмасин бирор жонивор.

304.

Эй дўст!

Қўлларингда бир чўп кўрдим бир куни,
Чаёнлар инига тиқдинг сен уни.
Чўп ҳолин тасаввур қилдим мен ғариб,
Чўпдай ўйнатмоғинг мумкин-ку мени.

305.

Эй дўст!

Ҳаётнинг қорли-қировли кунлари кўп,
Сердўл, совури-жалали тунлари кўп.
Бир кун ўчармиз сувга ташланган чўғдай,
Гарчи қалблар орзуси кўп, увлари кўп.

306.

Эй дўст!

«Деҳқондан ўтказиб экаман экин», —
Тўнғия тортиб олди ерини текин.
Тўнғиянинг иши-ку барчага аён,
Фақат деҳқон ерни ололмай сарсон.

307.

Эй дўст!

Қаҳрингни айтмайин, айтиб меҳрингни,
Дўст қилиб оласан душманингни ҳам.
Меҳримни айтмайин, айтиб қаҳримни
Мен эса дўстимдан ажралиб мулзам.

308.

Эй дўст!

«Бозордан бир нарса олгил, бўлсин енгил,
Есин молинг ва товуғинг, ўзинг егил». —
Бу чистонни айтган эди бувим бурун,
Қовун олдим, кеч бўлса ҳам англаб бугун.

Эй дўст

309.

Эй дўст!

Ватанда иморат қургандан қўрқма,
 Ва ҳатто битта гишт қуйгандан қўрқма.
 Кўвлари доим оч, қоринлари тўқ —
 Молу мулк, ганж йиғиб ётганлардан қўрқ!

310.

Эй дўст!

Даламни ҳайдайман, экаман экин,
 Кемалар ясайман, сузаман эркин.
 Қушлардай боқаман болаларимни,
 «Бахт шу!» — дейман ўзимга секин.

311.

Эй дўст!

Қалқон бўлай дея қўйлар умирга,
 Қопқон қўйган эдим битта бўрига,
 Бу фалак дастидан кимга айлай дод,
 Бир кийик тушибди бўри ўрнига.

312.

Эй дўст!

Гўзал чеҳралардан қонлар қочгуси,
 Самар топган ҳосил — шонлар қочгуси.
 Бунча калондимоғ зотлар кўп, билмас —
 Бир онда абадий онлар қочгуси.

313.

Эй дўст!

Бир умр бахт, омад бўлсин десанг ёр,
Тафаккур қудратин айла барқарор.
Бахту омад учун куч ҳам керак, рост,
Ва лекни куч-қудрат ҳукизда ҳам бор.

314.

Эй дўст!

Поёнсиз саҳрода, авжи саратон,
Кетиб борар эди икки дўст-ёрон.
Дам олмоқ бўлдилар бир ерда бир гал,
Жой талашиб роса қилдилар жанжал.

315.

Эй дўст!

Ҳазил-ҳувул меъёридан ошса ҳаром,
Меъёридан ошса ҳаром ҳатто таом.
Телбаларким, ҳадсиз хаёл қурбонлари,
Телба тутмас ўзини соғ билган одам.

316.

Эй дўст!

Бир уруғ экдим дилга, собир бўлсин,
Ривожу равнақиға тадбир бўлсин.
Муъжиза яратгай бир оний лаҳза,
Абадий эмасу азалий унсин!

Эй дўст

317.

Эй дўст!

Ватандин бегона жойда бахт йўқ, йўқ,
Бахт бўлса агар, ки, ватан — тахт йўқ, йўқ.
Ариқ бўлсин икки қошим ўртаси —
Ватан суви оқсин, ўзга аҳд йўқ, йўқ!

318.

Эй дўст!

Хур туғилдинг, уни барбод кўраман,
Барбодким, дилларда имдод кўраман.
Танаю жонингни тик кўрдим, аммо
Қул қалбингни қачон озод кўраман?

319.

Эй дўст!

Томчиман, дарё билан оқмоқдаман,
Юлдузман, кўк тоқидан боқмоқдаман.
Бордирман ўн саккиз минг олаи ичра,
Одам ичра, шодлик ичра, ғам ичра.

320.

Эй дўст!

Аҳмоқ мағрур бўй-савлатига,
Шоҳлар мағрур мол-давлатига.
Ой акси дарёда турар қалқиб,
Дарё мағрур ой талъатига.

321.

Эй дўст!

Баҳайбат уммонда, чексиз уммонда,
Сув ости тоғлари, довул-бўронда,
Мақсад улуг бўлса, азгу ва аниқ,
Кемага айланар, албатта, қайиқ.

322.

Эй дўст!

Олам таркиботин ичндамиз биз,
Лекин унга ўтмас тиг-қиличимиз.
Мақбул қилиқ билан аслингни яша,
Аслинг — руҳоният, тананг — томоша.

323.

Эй дўст!

Тарих — бир донишманд ота эрур, бил,
Фарзандлар учун у оинаи дил.
Долғали ҳаётда қодир, ҳур яша,
Сурати-сийрати ибрат муттасил.

324.

Эй дўст!

Фақир тўйи бошқа, бой тўйи бошқа,
Азаси бошқадир, куй-кўйи бошқа.
Иссиқ-совуғимни ўзим билурман,
Уй-уйи бошқанинг ўй-ўйи бошқа.

Эй дўст

325.

Эй дўст!

Инсон юзи — ойна, хил-хил қилиқлик,

Бахтиёрлик эрур тоза, тиниқлик.

Андух-ғамларингни яширма қанча,

Унга қалқиб чиқар акси: синиқлик.

326.

Эй дўст!

Хушёрлик — ҳикматдир. Дунё талотўп,

Кўзни кўр қилиши мумкин битта чўп.

Тил-чи, балиқ гўё, о, унинг думин

Ликиллашиб, сувни лойқалатма кўп!

327.

Эй дўст!

Қайда тилла, жавоҳир, айлайин баён,

Уларни кўриқлаб ётармиш илон.

Меҳнатсиз ғазнага эга бўлгум деб,

Илон-аждарга ем бўлмасин инсон.

328.

Эй дўст!

Ақл қувватини, тан қувватини

Уйғун бир ҳолатда тутса ким агар,

Кутаверсин ҳаёт марҳаматини —

Вужуди саломат, руҳи мунаввар.

329.

Эй дўст!

Киргум деб ўйлама холис хонага,
Тилни етти қарич қилма самога.
Даҳлизда қолдир ул қилич бўлса ҳам,
Зинҳор олиб кирма меҳмонхонага.

330.

Эй дўст!

Тун ва куннинг чин чиройин саҳар кўрдим,
Соғлом ақл қувватларин сарвар кўрдим.
Ҳасад ичин куюк қилган рақибим кўп,
Аламвада каслар тилин заҳар кўрдим.

331.

Эй дўст!

Оташ қум уммони — Саҳрои Кабир,
Кундуз тухум пишар, тунда музлар у.
Аёл муҳаббати шу ўт кабидир:
Пиширар, музлатар — сир эрур мангу.

332.

Эй дўст!

Раҳмат нури ёғсин бул баҳорларга,
Кўзни яшнатувчи диалтортарларга.
Фикру вужудингни соғлом тут бутун,
Эртага ем бўлгай чаён-морларга.

Эй дўст

333.

Эй дўст!

Бир харсангтош кўрдим олис саҳрода,
 Уймоқ — қадаҳи бор, қуйдим ишқ-бода.
 «Ёлғизман...» — ёзғирди суҳбат асноси,
 Тасалли беролмай кетдим ғамбода.

334.

Эй дўст!

Сўнма, орзум, тушма таҳқирга,
 Зил умримни етаклагил, аҳд,
 Бошин эгиб қўйса ҳам ерга —
 Фақат кўкка кўкарар дарахт.

335.

Эй дўст!

Бугун юзи қора, ким бўлса қасдда,
 Кўнглим оғриқлари бахтга пайваста.
 Бир туп ўрик бўлиб баҳорим, боққил,
 Менга тутиб турар улкан гулдаста.

336.

Эй дўст!

Бир сир борасида дил ёролмадим,
 Рўзғор — кундалик ғор, не, билолмадим.
 Ҳар кун бовордаман тўлдирай дея,
 Умрим ўтиб борар — тўлдиролмадим.

337.

Эй дўст!

Боғнинг заҳар-қийёғи бор,
Булбулнинг зог сиёғи бор.
Кеч бўлса ҳам англаб етдим:
Дўстда душман қулоғи бор.

338.

Эй дўст!

Таниш олим деди: «Менинг қўлим тут,
Бир кашфиёт қилдим, кўзларингга сурт.
У шундай балоки...» — сўзини бўлдим:
— Касби ёт, кашфи ёт, — демасин эл-юрт.

339.

Эй дўст!

Битта-битта ўтиб боради кунлар,
Қалбимдан отилиб чиқади унлар.
Пар тўшак, пар ёстиқ аскар ғаними,
Чин шоир ғаними роҳатли тунлар.

340.

Эй дўст!

Бир ҳолни кузатдим мен мўмин банда,
Айтиб қўяй дедим кези келганда:
Бемағиз писталар очиб оғзини,
Ўзлари ўзларин қилар шарманда!

Эй дўст

341.

Эй дўст!

Булоқлар пайдодир, дарёлар ютар,

Дарёни уммону саҳролар ютар.

Ҳарнечук, инсонни инсон ютмагай,

Инсонни нафс деган юҳолар ютар.

342.

Эй дўст!

Тутал истайсан, оҳ, бир кам дувёни,

Юрагинг оғрийди — тунларинг бедор.

Дунни қўй! Давола бир бечорани —

У шундоқ ёнингда — уни кам бемор.

343.

Эй дўст!

Кўчада туновчи, ёлғончи, чинчи,

Каззобу қаллобу доною синчи.

Не қилгунг, қозига дўст бўлса агар:

Порачи, алдамчи, авровчи, кунчи.

344.

Эй дўст!

Бир дўстим бор эди жону қонимда,

Бирга жанг қилардик жанг майдониди.

Ханжарин яшириб, орқамдан келди,

Курагимдан урди голиб онимда.

345.

Эй дўст!

Бир назардан эр тузалар,
Шаррос тинар — сел тузалар.

Битта ҳикмат менга аён:

Сўз тузалса — эл тузалар.

346.

Эй дўст!

Гар ўртада бўлиаса бурун,
Кўзни ўяр кўз элдан бурун.

Бу ҳикматни оқилу доно

Айтиб кетмиш бурундан бурун.

347.

Эй дўст!

Юзинг қани сенинг? Юзинг йўқ.

Сўзинг қани сенинг? Сўзинг йўқ.

Юзинг ҳам, сўзинг ҳам бўларди, аммо,

Ўзинг қани сенинг? Ўзинг йўқ!

348.

Эй дўст!

Не учун ортимдан узмайсан қадам,

Узун-қисқа кўлка сингарин мудом.

Қўй, танийман сенинг икки юзингни,

Тилининг тагида тили бор одам!

Эй дўст

349.

Эй дўст!

Ўрмонга бормадим ўтин орқалаб,

Қудуқ қазимадим дарё ёқалаб.

Ўз юким елкамда, баъзилар нечун

Тақдиримга тағин турар ўт қалаб.

350.

Эй дўст!

Бир ариқ сув оқиб ўтар ҳовлимдан,

Саҳройи бандаман — оқар жонимдан.

Сен унга тупурма, бахт каби уни

Тилаб олганман-ку, мен Худойимдан.

351.

Эй дўст!

Одамни одам одам қилади,

Оламни одам олам қилади.

Одамни олам адо қилмагай,

Одамни одам адо қилади.

352.

Эй дўст!

Умримнинг йўллари висолу фироқ,

Кундуз чироқлиман, тунда бечироқ.

Ўзи йўқлар билан суҳбатлар қурдим,

Қошимдагилардан гоҳ қочдим йироқ.

353.

Эй дўст!

Бир илон дўст бўлиб кирди қўйнимга,
Сўнгра пўст ташлади, аждарга дўнди.
Чирмашиб олган у бўйним, бўйнимга,
Ҳолимни тасаввур қилавер энди.

354.

Эй дўст!

Оқиллар ортиқча мол-дунё йиғмас,
Йиққанларни ёлғиз оғзига тикмас.
Боболардан қолган гаплар бор, ахир:
Меҳмонсиз эл-юртнинг довуғи чиқмас.

355.

Эй дўст!

Раққоса айланар, тўхтамас бир зум,
У билан чарх урар заминну само.
Тўхтаса, тўхтайди дунёи азим,
Айланса, айланар бу эски дунё.

356.

Эй дўст!

Бу не сир ўзи Вақту Маконларда,
Тунда руҳим сайр этар осмонларда.
Тонгда тағин танамга қайтадир ул,
Одамман Замин отлиқ кўрғонларда.

Эй дўст

357.

Эй дўст!

Биринчи амалим — сабр-қаноат,
Иккинчи амалим — ҳаракат, ғайрат.
Тўтиқуш эмасман Олам қасрида,
Ҳаётим асоси — тафаккур, ибрат!

358.

Эй дўст!

На бу ажаб дунё: инсон — ёмонотлиқ,
Ул ёмонотлиқки, нймон ёмонотлиқ.
Ўзни гуноҳкор деб билганни кам кўрдим,
Кишиким иши терс, замон ёмонотлиқ.

359.

Эй дўст!

Эътиқод эскидир, оқибат эски,
Менга кўп мақбулдир шу эски-туски.
Эсинг бўлса, эски дўстингдан қолма,
Дўст дегани ахир либос эмаски.

360.

Эй дўст!

Қўрқма мансабдордан, қўрқма пулдордан,
Бу айтим келмоқда элу элдордан.
Қадимгилар гапин доим мағзи тўқ,
Қўрқар бўлсанг, дейди, дўсти кўпдан қўрқ.

361.

Эй дўст!

Бир бадавлат бемор табибга деди:

— Қашшоқ бўлсам, майли, соғ бўлсам эди.

Табиб деди унга табассум қилиб:

— Соғ бўлган яхши-ку, бой бўлатуриб.

362.

Эй дўст!

Қўл билан ечимас — тилнинг туккани,

Уроқ-ла ўрилмас унинг эккани.

Ундан ҳалок бўлган не-не зотлар бор,

Лекин кўринмагай ўқин теккани.

363.

Эй дўст!

Мен ҳам битта ақли олам қатори,

Бир шодлик қатори, бир ғам қатори.

Қул бўлсанг қулдирман, шоҳ бўлсанг гар — шоҳ,

Одам бўлсанг агар — одам қатори.

364.

Эй дўст!

Денгиз ёнмоқда дер бир ақли ёйиқ,

Ортидан ишониб чопар халойиқ.

Кимнинг ақли қосир, билмай турибман,

Кимни мен атайин гуноҳга лойиқ?

Эй дўст

365.

Эй дўст!

Эликдан опибман, боламан ҳамон,
Дунё ишларига қоламан ҳайрон:
Ўрмоннинг четида пойлаб ётибди
Кўрсичқон инини подшо — арслон.

366.

Эй дўст!

Гарчи барчага тенг офтобнинг нури,
Лекин башар, аён, турлик ҳолатда:
Очлар дастурхондан йироқда, нари,
Қорни тўқлар доим кўр, зиёфатда.

367.

Эй дўст!

Билмадим, айтганим не деб йўғрилар,
Уйимни тунашиб кетди ўғрилар.
О, алам қилгани, йитди уларнинг
Эгри изларига тушган тўғрилар.

368.

Эй дўст!

Баъзида яшашдан қолмайдир маъно,
Кўз юмсанг — тубсиз ғор, кўз очсанг — саҳро.
Ғорга тушиб кетсанг — чиқмайсан қайтиб,
Саҳро қудугига сув берсин Олло!

369.

Эй дўст!

Қара, бир бахилнинг юзи кулади,
Бир эмас, гўёки юзи кулади.
Бир турли балиқ бу — ичи қоп-қора,
Қоп-қора заҳар у, ичи куяди.

370.

Эй дўст!

Бу дунёда тилу тамоқ қармайди,
Доноларнинг минган оти ҳоримайди.
Бўлар гапнинг бўларини айтавер, дўст,
Ҳатто бўри бир-бирга доримайди.

371.

Эй дўст!

Ҳамён қаён кетди, билолмай қолдим,
У ён-бу ён кетди, билолмай қолдим.
Таҳоратга бордим, йўл тўсди бир кас,
Инсон қаён кетди, билолмай қолдим.

372.

Эй дўст!

Мардикор бозорга бордим. Қанақа?
Бир жигит қошимга келди. Шунақа!
Баҳойинг қанча, деб сўраган эдим,
Одамнинг баҳоси, деди, бир чақа!

Эй дўст

373.

Эй дўст!

Келаяпман, келаяпман замон оралаб,
Юлдузлар оралаб, осмон оралаб.
Маконим қайдадир, билмайман ҳануз,
Кетаяпман, кетаяпман қайни қоралаб?!

374.

Эй дўст!

Донишманду ўжар, ўзибилармон,
Ажойиб бир қавм, бир эл — шоирлар.
Дарё оқимиға қарши беомон
Сузмоқни хуш кўрган балиқдир улар.

375.

Эй дўст!

Ҳақ дўст! Атрофинга қарайсан тўниб,
Бунча куйинасан ўтиндай ёниб.
Не ажаб, ўсса гар доривор гиёҳ
Сассиқ ўт-алафлар ичра сарғайиб.

376.

Эй дўст!

Айт ҳукмдорга, ким кўп ўпар изин,
Тоғим деб жуда ҳам бермасин изин.
Илон ҳам буралиб-суралиб, пойлаб,
Ўлжасин маҳв этар бир зарбга жойлаб!

377.

Эй дүст!

Эверест чўққисин бағрида якка

Тикилиб турибман фалак-фалакка.

Бунда ҳам бир бургут айланиб учар

юксакка!

юксакдан

Юксакда

378.

Эй дүст!

О, гарчи ниймондан ажратар гумон,

Мени тушунмоғинг эмасдир осон.

Кулиб йиғлайману йиғлаб куламан,

Гули гирёнманми ё гули хандон?

379.

Эй дүст!

Бир нозик қиз тиллашур қоплон билан,

Сирлашур илон билан, арслон билан.

Кўзин ўқи йўқ эмишки, отгум деса,

Боқ, ана бундоқ экан инсон билан.

380.

Эй дүст!

Инсон руҳи бўлса тоза, муҳаббатли,

Тан-жон саломатдир — бутун иморатли.

Тоғлар юксак, серсув, обод эрур, зеро,

Гуллаб-яшнагайдир чўлу дашту саҳро!

Эй дўст

381.

Эй дўст!

Ота-бобо динин севганлар улуг,
Ҳар икки дунёси мукаррам, қутлуғ.
Муроса — офтобдир, ўзга дияларин
Изватип қилганлар, сизга минг қуллуқ.

382.

Эй дўст!

Деҳқон — башар ичра инсон мукамил,
Юксакка кўтармоқ энг олий амал.
Лекин Уни юксак кўтармоқ учун
Пастдав жой бермоқлик керақдир аввал!

383.

Эй дўст!

Хасислик ножоиз кўз қорасида,
Ундан сақлан жаҳон оворасида.
Ортингдан келмоқда бир сахий авлод,
Номингни ювар кир тоғорасида.

384.

Эй дўст!

Ҳаромдан парҳез, ҳаромдан ҳазар,
Бегона тўшак — оромдан ҳазар.
Аламли азоб — ёлғонга жоиз,
Дилинга куфр, саломдан ҳазар.

385.

Эй дўст!

Ўз уйинг ичида буй берган низо
Ташларга чиқару берар акс-садо.
Боғда кўтарилди бехосдан тўзон,
Йўлларга сочилди кузги барг-хазон.

386.

Эй дўст!

Пок наслу насабим бор,
Пок иймон, пок қалбим ёр.
Покдурур фикру вужуд,
Қўлим пок — бахтим пойдор.

387.

Эй дўст!

Дилимга озордир қуруқ насиҳат,
Насиҳат соҳиби кўрсатмас ибрат.
«Ўғирлик қилма» — дер, кўзида ёши,
Ўғри фарзандига бир ўғрибоши.

388.

Эй дўст!

Эл гапини сўзладим уйда — даврада:
«Оз бўлсин — соз бўлсин. Доим шукр, денг».
Ўғлим гап улади ўша паллада:
— Кўп бўлсин — соз бўлсин. Ҳақ даргоҳи кенг.

Эй дўст

389.

Эй дўст!

Дунё лавзатида бўлгил баҳраманд,
Лекин қайтмас бўлиб еб қолмагил панд.
Дарёда чўмилмас чўкиб кетай деб —
Мақсад покланиш-ку, соғляк гамин еб.

390.

Эй дўст!

Отанинг ҳаёти — фарзандга ибрат,
Ҳалимлик керагу кўпроқ қатъият.
Юмшоқ қўй думбасин қаттиқ зигирик
Ушлаб турганлиги айни ҳақиқат.

391.

Эй дўст!

Тирик қуш тош қотиб қолгандай яхдан,
Қалб музлар узоқдан отилган гапдан,
Одил бўлса, келиб айтмасми сўзин,
Тил чўзгунча қочиб биздек рақибдан.

392.

Эй дўст!

Менга дилозорлик қилма ҳеч қачон,
Ундан ўзинг абгор бўлурсан, инон.
Қозоннинг қораси юқди деб сўкар,
Таомин еб бўлиб, унутган нодон.

393.

Эй дўст!

Замонинг този бўлса, тулки бўлмоғинг аниқ,
Гоҳ етказиб-етказмай кулки бўлмоғинг аниқ.
Бас, тулкилик, тозиллик ножиоз Инсон учун,
Аста юриб, илдам бўл, олам мулкисан ёниқ!

394.

Эй дўст!

Заҳматларга лойиқ эмас аёллар —
Уларни асрасин қўллар, ақллар.
Қулун-зот бергувчи бияларига
Бўйинтуруқ солимай келган асллар.

395.

Эй дўст!

Баъзан ўз-ўзидан хаёллар тортар,
Толенигда не бахт, не хавфу хатар —
Бари айтилмаган битта сўздадир,
Сўз томчи, томдими — ёйилиб кетар!

396.

Эй дўст!

Или — бу замондан айро эмасдир,
Уммондан ажралган дарё эмасдир.
Гадога подшолик қилмайдир аълон,
Лекин подшоҳга ҳам гадо эмасдир.

Эй дўст

397.

Эй дўст!

Даалироқ ўсдимини тоғли ҳаётда,
Соддади феълимдан дўстлар ҳайратда.
Меннинг-чи, қушлардан ҳайратим ошкор,
Дон — илинж, тузоққа ялинар абгор.

398.

Эй дўст!

Кеча билан яшаб бўлмайди бугун,
Ой ярим эди-ку, бугун-чи, бутун.
Бир қиз фарёд чекди кеча тонггача,
Боқ, бугун юзлари ёнади гулгун.

399.

Эй дўст!

«Хотиним — олтин», — дер менга бир киши.
Мен дедим: «Бахтисан — фалакнинг иши!
Ва лекин ҳушёр бўл, бамисли темир —
Олтин ҳам оловда эрийди, ахир!»

400.

Эй дўст!

— Қандай омон чиқдинг очарчиликдан? —
Бой сўрар камбағал битта жигитдан.
— Бойбиччам тозимни яхши кўрарди,
Тунлари гўшт олиб келиб турарди.

401.

Эй дўст!

Уйда бир меҳмон кутмаган жонон,
Меҳмонга боргум, деб қилур тўполон.
Меҳмон бўлмоқ учун аввал мезбон бўл,
Фақат кўр товуққа ҳамма нарса дон.

402.

Эй дўст!

Ушбу сўзим демагил хобу хаёл,
Кўкайингга келмасин шубҳа, малол:
Сабру бардош, қаноат — тўзимники,
Ўзагингни узади ўзингники.

403.

Эй дўст!

Сувтолнинг новдаси каби эгилиб,
Кенг йўлдан йўлакка ўтмоқда бир чол.
У сенинг эртангдир — турмагил кулиб,
Нур нурга туташсин, асо бўл дарҳол.

404.

Эй дўст!

Бу дунё бир чексиз уммондир, уммон,
Саноқсиз тўлқинлар курашар бетин.
Қайси бири голиб, билмадим, инон,
Бобом ҳам билмайин ўтганлиги чин.

Эй дўст

405.

Эй дўст!

Умир — бу ўтадир баланд, пастларда,
Гоҳ тилло тангасан, гоҳо хаслардай.
Аччиқ шодликларга ўзни урасан,
Гоҳ қочиб юрасан ширин қасдлардан.

406.

Эй дўст!

Ким бандадан ҳукмфармо яратарлар,
Элни муте қилиб, қўйдек маъратарлар.
Бир қавм бор, булутлардан ясайди тоғ,
Ҳақдан кечиб, шайтонни хўб яйратарлар.

407.

Эй дўст!

Такаббурлик — макруҳ. Даъватим — даъват:
Қуруқ оғоч каби тик тўкма савлат.
Оддий толчивиқ ҳам ундан афзалдир —
Нонвойнинг бошида азия нонсават.

408.

Эй дўст!

Ноёб дарахтдирман, меваларим мўл,
Мен томон чўзилар ҳар ўткинчи қўл.
Майли, олиб есин мевамни, аммо
Нега шохларимни синдирар пуқул?

409.

Эй дўст!

Бир думалаб ҳоким бўлди бир тулки,
Ким салом бермайди унинг изига?
Тулки пойидадир ўрмоннинг мулки,
Ахир у уйланган шернинг қизига!

410.

Эй дўст!

Тўрт томон қибла, дединг, аммо йўл йўқ,
Бош олиб кетай дедим, раво йўл йўқ.
Макрбоз тиллардан зада юрагим,
Давоси вафо дединг, вафо йўл йўқ.

411.

Эй дўст!

Кўрдимки, юрт ичра битта улуғ зот,
Ўзин назарида — бутун элсуяр,
Подшонинг қўлидан олар мукофот,
Подшо ёвларининг тўнини кияр.

412.

Эй дўст!

Раият ҳолидан ўзича огоҳ —
Тунда юрт кезарди бир подшо гоҳ-гоҳ.
Бир овоз янгради: «Кундуз қилмаган
Савобни тундами қиларсиз, ҳой шоҳ?!»

Эй дўст

413.

Эй дўст!

Инсон ҳайвон сифатин қолдирган ортида,
 Руҳоний ҳолатларга ўтган ҳар юртида —
 Илоҳий шарафдан кинки бенасиб,
 Алар қайд этилмаган бул мақомотда.

414.

Эй дўст!

Менинг асл аслим — деҳқон-мусулмон,
 Қалбимда Аллоҳу қўлимда кетмон.
 Лекин бу кажрафтор дунё гоҳ-гоҳи
 Уларга тутадир қиличу қалқон.

415.

Эй дўст!

Қизилиштон, бу қуш меҳнаткаш — дастдан,
 Бетин меҳнат қилар ростдан ё қасддан?
 Ўзин қорнин тўйди рарми, эй дўст, дўст,
 Ё дарахтларни асрар бало-бастдан?

416.

Эй дўст!

Бир кас кетмон чопар ёз, кўклам, куз, қиш,
 Бирор-бир эккани кўрсатмайди ниш.
 Дедим: — Деҳқонсифат ҳой, сен, ялангтўш,
 Меҳнатга тафаккур дон-дунидан қуш!

417.

Эй дуст!

Куфр йўлларини тутган кимса бор —
Қулоғи қар эрур, кўнгил йўли тор.
Кўзи очиқ, аммо парда қоплаган,
Унга бундан бошқа не азоб даркор.

418.

Эй дуст!

Юлдузсиз кечалар мен беихтиёр
Юлдуз деб топиндим ёнарқуртларга.
Бир сирли қудратга гарчи ушри ёр
Ва лекин тобеман қопқир итларга.

419.

Эй дуст!

Замин менга дейди: «Оғир бўл, оғир,
Майли, топтасинлар, бўл фақир-ҳақир.
Бағримдан уларга жой ҳозирланган,
Фалакларга учиб кетмаслар ахир!»

420.

Эй дуст!

Гарчи юракда кўп бўлар армоним,
Кунким, оёғимдан кетар дармоним.
Бир ертешик бағрига олар, ҳатто
Излаб тополмагай кўриб ўғлоним.

Эй дўст

421.

Эй дўст!

Тулпор отни мингиси келмайди ким?

Кимкоб тўнни кийгиси келмайди ким?

Сулув қизни олгиси келмайди ким?

Абад тирик қолгиси келмайди ким?

422.

Эй дўст!

Майли, бу сўзларим гулга, тошгадир,

Ёки бир гуручга, ёки мошгадир.

Етти авлодимнинг англаб етгани:

Ватани бошқанинг кўнгли бошқадир.

423.

Эй дўст!

Ўя урим, ўя эрким ўзимга қиммат,

Башарга шаккоклик — менга нораво.

Қушлар гала-гала кечирар ҳаёт,

Ўя қаноти билан учади аммо!

424.

Эй дўст!

Мана, от бўлди-ку кечаги тойлар,

Тағин тўлиб-тошди қуриган сойлар.

Неларни кўриадим мен — ўлмаган қул,

Мени қутлар бугун бобо саройлар.

425.

Эй дўст!

Ҳаёт дарахтига урмагил теша,
Унинг қадр-қимматин англабон яша.
Раҳмонлик, шайтонлик соҳиби ўзинг,
Ўзинг қандай бўлсанг, бу дунё — ўша!

426.

Эй дўст!

«Бахт нима?» — сўради мендан бир ўғлон,
«Ул қайда?» — сўрайди йўқсил оломон.
Мен дедим: «Ўзинг бил, ўзингдан изла,
Уни ўзгалардан топмоғинг гумон!»

427.

Эй дўст!

Отнинг насли майдонларда билинмай,
Йигит асли ёв келганда кўринмай.
Шер сифатин тулки агар қилса даъво,
Терисидан тумоқ қилиб кийилмай.

428.

Эй дўст!

Бойнинг қизи мақтанади сени билан,
Камбағалнинг қизи қўлин эпи билан.
Бойнинг қизи куёв топар мулки билан,
Йўқнинг қизи бека бўлур кўрки билан.

Эй дўст

429.

Эй дўст!

Бир синчи кабиман, айтганларим чин,
Кўрмасан — айтмадим, гапим эшитгин:
Селлар қийноғига бўлсанг ҳам дучор,
Нокас кўпригидан ўтмагил лекин!

430.

Эй дўст!

Ҳаром-ҳариш ишга бор доим имкон,
Ришвани тухфа деб атамоқ осон.
Кўрқаман, динимга зиён келтирар —
Дин номин пеш қилган беш-олти нодон.

431.

Эй дўст!

Бир сатрим ҳикматдир, бир сатрим кулгу,
Менинг мавжудлигим — уларга улгу.
Илоҳ — яратгувчи, бир зарраси мен,
Руҳинг таназзулда, ихтиром — кўзгу.

432.

Эй дўст!

Битта донишмандга дебди шоҳсувор:
— Шоҳликда ҳеч кимга бермадим озор.
Жавобин олибди ўшал заҳоти:
«Юртингда адолат топмабди қарор».

433.

Эй дўст!

Қандай яшаш керак? Покиза, ҳалол,

Қонун паноҳ эрур, яша бемалол.

Лекин нима қилгунг: қонунчи — ожиз,

Қонунбузарларда минг битта қурол?

434.

Эй дўст!

Қоялар тошидир қаватма-қават,

Биров-бировига таянчу қувват.

Ака-укани кўр, ажралиб кетди —

Тўқнаш келганида оддий манфаат.

435.

Эй дўст!

Кўкда думли юлдуз бўлганда пайдо,

Мен унга тикилиб турардим — шайдо.

Ёнимда бир қитмир кулди қиқирлаб:

«Юлдузлар думи ҳам бўларкан, ошно».

436.

Эй дўст!

Юз ёшли бир киши жон берар чоғи,

Қичқирди: «Болам, кел, — уйим чироғи».

Ёлғиз боласидан дарак йўқ, аммо,

Ити пайдо бўлди — умрини ҳамроғи.

Эй дўст

437.

Эй дўст!

Бу дунёда ҳамма нарса ҳисоб-китобли,
Ҳар умрнинг ҳар лаҳзаси ҳатто жавобли.
Ўлганингда боринг бўлса сочилар экан,
Йўғинг бўлса, яра каби очилар экан.

438.

Эй дўст!

Менга кўп ёлворди боғда атиргул:
«Мени чирмовиқдан озод айлагил».
Қўлимни чўзгандим чирмовиқ томон,
У деди: — Қўй, узма, мен ҳам битта гул.

439.

Эй дўст!

Кўрдим кимсаларни: бир оиласин
Эплаб яшолмагай — оворадирлар.
Аммо сен эшитгин ҳою ҳавасин:
Салтанат тожига даъвогардирлар.

440.

Эй дўст!

Бу не кимса, қовун кўрса пичоқлайди,
Қизил кийган зот бордирки, қучоқлайди.
Тузин тотган тузликка тупургайдир,
Кўчасини ҳовлисига супургайдир.

441.

Эй дўст!

Не эрур бу оламда паҳлавонлик,
Паҳлавонму келса ундан ёмонлик.
Ул қандай дарахтки, меваси заҳар,
Еганинг заҳоти рўйинг сомонлик.

442.

Эй дўст!

Могу мулкимизни ортсак туяга,
Балки олиб чиқар битта қияга.
Унга юкламадик биз сўзимизни,
Кўнгилга қолдирдик ўз-ўзимизни.

443.

Эй дўст!

Не мол-дунё ўтмас даврон илкидан,
Булут соясидир — ҳар ганжи аъло.
Кўрдим, ота-онанг мерос мулкидан —
Қўлингдаги ҳунар давлати авло!

444.

Эй дўст!

Баъзи бир даврага кириб қолсанг гар,
Ғийбатдан қулоғинг бўлиб қолар кар.
Улар Ойга ўрлаб чиқмас-ку, аммо,
Қора кўлкасидан қоронғу шаҳар.

Эй дўст

445.

Эй дўст!

Кимки қадрлагай тириклик, умрин,
 Асло тилаб юрмас биров ўлимин.
 Бир гиёҳ заҳарли, бири доривор,
 Бир-бирин асровчи ўртада сир бор.

446.

Эй дўст!

Табибга «оҳ» уриб деди ёш бемор:
 — Эртаим — кексалик қилмасми абгор?
 Табиб деди: — Кунгли дарёлик қилгил,
 Унга ҳали етиб бормоқлик даркор.

447.

Эй дўст!

Дев каби баҳодир бўлсаю хоқон,
 Донолик мулкидан бўлса мосуво,
 Демак, вайрона у тахт тутган макон,
 Демак, пиширибди бўйрачи ҳалво.

448.

Эй дўст!

Биз йўқ жойда эрур турлик томоша,
 Инсонким, гоҳи кул, гоҳида пошпа,
 Тўғри ўқни эгри ёйларга солиб,
 Отиб келгайдирлар замонлар оша!

449.

Эй дўст!

Қабристон ёнидан ўтар эдик жим,
Ногаҳон табассум қилди шеригим.

Деди, гўристонга қилиб ишора:

«Унинг тўлганлигин кўрганми ҳеч ким?»

450.

Эй дўст!

Бир қушбон деди: «Боқ, қафасда бутун

Қушларни тарбия қилгум туну кун».

«Лаънат! — деди Ҳаққуш, — Тарбиячига

Қанот ёздирмаган тарбият учун!»

451.

Эй дўст!

Тангри деган эмиш яратиб бизни:

Қирқ ёшгача ўзим сақлайман сизни.

Кўрсатиб бўлгайсиз аъмолингиз не,

Қирқдан сўнг сақланг, бас, ўз-ўзингизни.

452.

Эй дўст!

Бир кун устоз деди: — Чин или иста,

Или хом бандалар — бемағиз иста.

Юз қаролиғни қўй — қилмадинг амал,

Ки, или ростлардан, бас, билим иста!

Эй дўст

453.

Эй дўст!

Бу саҳродан ўтди қўш-қўш карвонлар,

Изларин кўмдилар қумли тўфонлар.

Дур-жавоҳир юклар етди манзилга,

Аmmo қайда тушиб қолди сарбонлар.

454.

Эй дўст!

Илон заҳри тўлдими, бас, тобга келиб,

Сочмаса гар кетар эмиш тарс ёрилиб.

Ёрилмоқдан қўрқибми, о, морсифатлар,

Кўринганга тигин санчар сапчиб, ёниб.

455.

Эй дўст!

Минг йил бурун ўтган эдим бул оламдин,

Мана, бугун қайтдим-келдим ул оламдин.

Ҳали йиғиб олинмабди тўшак-жойим,

Ҳали совуб улгурмабди ҳўплам чойим.

456.

Эй дўст!

Бугун иш қил: хоҳ фармонлиғ, нофармонлиғ —

Эрта учун келтирмасин то вайронлиғ.

Сеянинг қилган нописандлик ишингсиз ҳам,

Бу дунёда жуда кўпдир пушаймонлиғ.

457.

Эй дүст!

Җаётмиз — фурсат бор, қалблар бұлсин шод,
Дил дилдан сув ичсин, айласин обод.

Қора-оқ тоғлардан ошиб ўтгач, сўнг
Бефойда — айла ёд, айлагил фарёд.

458.

Эй дүст!

Марҳумларга бұлсин ҳамду санолар,
Хоки покларида унсин лолалар.

Биэни оқшишлардан тутингиз йироқ,
Биз ҳали ноаён: қора ёки оқ.

459.

Эй дүст!

Дүст керак донога ҳам, гуироҳга ҳам,

Дүст керак гадога ҳам, подшоҳга ҳам.

Дүст бошга боқар эмиш, ёв оёққа,

Дүст керак бу оламдин Аллоҳга ҳам.

460.

Эй дүст!

Сезги-сезимларим чақнаган замон,

Уларга ишондим, ишонгум ҳамон.

Ақл — от, жиловлаб тураман атай,

Ундан кўп йиқилиб, бўлдим пушаймон.

Эй дўст

461.

Эй дўст!

Бир олма дарахти: қанчалар гунча,
Оғандан гуллаган минг-минг тугунча.
Бирор дам бўлса ҳам, ўйлаб кўрдингми,
Қанчаси қоларкин то етилгунча.

462.

Эй дўст!

Дунёда нима кўп, турлик аломат,
Ишониб-ишонмас шўрлик жамоат.
Тик учган қуюнни дейдилар устун,
Бир қазвоб болани дерлар валломат.

463.

Эй дўст!

Сўз сўзга сўзсизсан, деди,
Кўз кўзга кўзсизсан, деди.
Туздондан бир шивир эшитдим:
Туз тузга тузсизсан, деди.

464.

Эй дўст!

Илми хом қавмлар тўрга ўтдилар,
Улар билмайдилар — нега ўтдилар.
Гарчи пойгакдаман, мени кам кўрма,
Чироқ кўтарганин орқага сурма.

465.

Эй дўст!

Эрк — оҳу, овчиси кўп эрур қадим,
Хурлик қушин ёви, боқ, етарлидир.
О, қазноққа бир бош узум осгандим,
У деди: — Айтиб ос, гуноҳим надир?

466.

Эй дўст!

Дарё қирғоғида бир тўп қўриқчи,
Қўриқчи эмас, йўқ, улар балиқчи.
Кеча ўйнаб-ўйнаб балиқ тутдилар,
Хайҳот, бутун-бутун қайга кетдилар?

467.

Эй дўст!

Ҳаёт ва ўлим, воҳ, ҳар дам, ҳар қачон,
Икки кўздек турар экан ёнма-ён.
Қолдир яхши ному хотира, қадр,
Икки кўз ораси жуда иқиндир!

468.

Эй дўст!

Тўққиз ой қорнида кўтариб она,
Дунёга келтирди бир полвон бола.
Доя деди: — Кимга ўхшайсан, гўдак? —
«Ердан кўтарганга ўхшайман, хола».

Эй дўст

469.

Эй дўст!

Қўшним боласидан ёзғирар нуқул:

«Айт, қандай тарбия қилганим маъқул?»

— Қуймаси бўлмаса, минг туртмасининг

Фойдаси йўқ, — дедим, — билганимиз шул.

470.

Эй дўст!

Анжир дарахтиман, мўлдир ҳосилим,

Ёз бўйи баҳраманд бўлди дўст, ғаним.

Гуноҳим надирки, мевам еганлар

Бугун кўймоқдалар тупроққа таним.

471.

Эй дўст!

Икки жўра бир деворли икки уй қурди,

Ҳали унда болалари ади полапон.

Улғайдилар, қара, нифоқ отларин сурди,

Ўртадаги девор вайрон — икки уй вайрон.

472.

Эй дўст!

Бегона сўз беради-ю бўз бермайди,

Тузхалтага кўз тикару туз бермайди.

«Берди»сини айтганимча белим букма,

Кўрингани дўстим деймиз, юз бурмайди.

473.

Эй дўст!

Шу йил кўклам — олам кезган қалдирғоч

Менга ҳикмат айтди: «Бўл оч, яланғоч.

Ва лекин бегона томорқасида

Орингни унутиб, сурмагил омоч».

474.

Эй дўст!

Оқлик сотилмайди, дер эди онам,

Поклик сотилмайди, дер эди онам.

Оқлик — бу сут-қатиқ, поклик — супурги,

Барнини сотмоқда бугун бу олам.

475.

Эй дўст!

Оталар ҳақсиялик қилса гар шоён,

Болалар кўксиди кўкарар исён.

Сув ости тоғига урилди кема,

Ў, ундан қолмади бирорта нишон.

476.

Эй дўст!

Асрларким тинсиз ҳарб-зарб отлари,

Дунёнинг бузилган ҳаловатлари.

Туя ўз аксини кўзгуда кўрар,

Тўғри жойи йўқ-ку... уни синдиран.

Эй дўст

477.

Эй дўст!

Сирини душманим билмасин десанг,
Айтдилар, дўстингга айтмас экансан.
Оқиллар гапини қилмаган эдим,
Жуда кўп пушмонлик эшагин миндим.

478.

Эй дўст!

Кўриб турганим бу илон, қўрқаман,
Кўриб турибман-ку омон, қўрқаман.
Ёмон билганимда, йўқ, қўрқмас эдим,
Яхши билганимдан ёмон қўрқаман.

479.

Эй дўст!

Бахтиёр дамларни турмагил кутиб,
Балки у чақмоқдай кетгандир ўтиб.
Мабодо ортингда бўлса ул агар,
Кутмаган дамнингда келгайдир етиб.

480.

Эй дўст!

Гул дегани на фақат булбул истар,
Атиргул гулини кўз, кўнглим тусар.
Кун-тун жоним ҳалак гули ўссин деб,
Гулидан қолмайин тикони ўсар.

481.

Эй дўст!

Аллоҳ икромидан умидим мўл-кўл,
Бир ҳовуч донда мен хирмон кўраман.
Манзилим тоғмидир ва ё саҳро, чўл,
Ҳар лаҳза, ҳар дамда иккон кўраман.

482.

Эй дўст!

Ит айтмиш, шу қишдан чиқсам гар омон,
Ёзда суяклардан қураман макон.
Ёя келар, макон йўқ, ўтиб кетар ёз,
Қиш келар, бизнинг ит матал айтар боз.

483.

Эй дўст!

Кўкнори, кўрдимки, миттигина хум,
Оғизчаси бурмача... Кулол, бали!
Уни очдим, оқиб тушди кумуш қум,
Лаб урдим — ўзимга келмайман ҳали!

484.

Эй дўст!

Мен билган морбозлар кўп эди, илло,
Қўрқув не? Кўзига илмас эдилар.
Илоннинг заҳридан ўдилар аммо,
Ўлмаслик сирин, о, билмас эдилар.

Эй дўст

485.

Эй дўст!

Зарга сотилмайди бу Вақт дегани,
Зўрга топилмайди бу Вақт дегани.
Ўт бор қора булут қовурғасида,
Ёпсанг, ёпилмайди бу Вақт дегани!

486.

Эй дўст!

Сувга қилич урдинг, беҳуда, изсиз,
Тоққа кўкрак кердинг, беҳуда, сўзсиз.
Ўз ҳолин билмаган нодонлардан қўрқ,
Нишонга кўзламоқ бўлади — кўзсиз.

487.

Эй дўст!

Тошбақа аталмиш қалин ошнам бор,
Унга бир юмушни қилдим ихтиёр.
Юз йил ўтиб кетди, дарак йўқ аммо,
Кўзларим тўрт бўлди, қора бошим қор.

488.

Эй дўст!

Ўз йўлин тўғри деб билади ўғри,
Олчоқнинг йўли ҳам ўзига тўғри.
«Борда куйиб кетдим...» — оҳ чекар булбул,
«Вайронам — кошноам», — дейди бойўғли.

489.

Эй дўст!

Тўрт оёқда юрдим эрталаб шодон,
Туш пайти оёғим икки — чопоғон.
Учтага айланди кечга борибон,
Бу надир? Бу — Умир, дўсти гарибон!

490.

Эй дўст!

Шон-шуҳратни кўзга илмади бир дўст,
Мол-давлатга парво қилмади бир дўст.
Оқибат отини ушлади маҳкам,
Эргашди шуҳрат ҳам, келди давлат ҳам!

491.

Эй дўст!

Сўнгги дам зар-зўринг эш эшиккача,
Эш— бола-чақанг қабр — ертешиккача.
Қояни айланиб ўтар қайиқчи —
Эзгу ишинг қўшиқ ҳур бешиккача!

492.

Эй дўст!

Мисоли кўлдаги бир жуфт нилуфар,
Дала ўртасида икки кабутар.
Бир-бирин айланиб ишқ сеҳридан маст,
Кўзлари кўр бўлсин — ким қилмоқчи қасд!

Эй дўст

493.

Эй дўст!

Дўстинг ҳам тилингдир, ёвинг ҳам тилинг,
Аллоҳ ўз оғзингга қўйибди жойлаб.

Дўстлик ишин қилса — кўкларда дилинг,
Ёвлик ишин қилса — бўлмайди бойлаб!

494.

Эй дўст!

Қора-қора, қора карвон —
Чумоллар ташийди дон.

Кунлар тундир, тунлар кундир,
Беҳабардир оч тегирмон.

495.

Эй дўст!

Ҳақсизлик — адоқсиз, билмас чегара,
Қонун номи билан зулм — ҳукмдор.

Вақту Макондан ташда — беэга,
Яхшиям, исмсиз қонунлар пойдор!

496.

Эй дўст!

Қалбимда қандайдир бир булоқ оқар,
У поклик сувидан оташлар ёқар.

Фитна-фасодлардан қочаман йироқ,
Мен учун кўкдаги юлдуз яқинроқ.

497.

Эй дўст!

Кимдаки тажриба бўлса устувор,
Ҳаёти, умрини айлар барқарор.
Кўриб кўзчил бўлдим, кўрдимки, ҳатто,
Тажриба асоси ов қилгай жондор.

498.

Эй дўст!

Дўст! Ҳар ким яшаб ўтар ўзин умрини,
Бенуқсон дўст ахтарма, топмайсан уни.
Боғида дарахларим кўп эрур, айтсам,
Бирин ҳосили мўл, бириники кам.

499.

Эй дўст!

Оқсоч бошли тоғлимиз, лекин боғли-гуллимиз,
Учта-тўртта қизлимиз, учта-тўртта уллимиз.
Кўздан ўт сачраган бир қизга ошиқмиз, ҳа,
Гарчи олтиш умримиз, ўн саккиз ёш диллимиз.

500.

Эй дўст!

Дўрмон боғларида ҳангома чўғдек,
Шукур Холмирзога деди Мирзобек:
— Майхўрлик бас, намоз қилингиз пеша!
У дер: — Таҳоратга келтир бир шиша!

Эй дўст

501.

Эй дўст!

Бир кам олтиншида Лойиқ Шерали
Қадаҳни бўшатмай берар экан жон,
Деди: — Ичмаганим бор эди ҳали,
Не хивнатта чорлаб қолдинг, Худойжон?!

502.

Эй дўст!

Мен отда кетардим, йўлда бир киши
Маст-аласт ётарди, учиб эс-ҳуши.
Қарадим, у деди менга бенажот:
— У, мен ҳам бир пайтлар минар эдим от.

503.

Эй дўст!

Бир кун ёш фиръавн чиқди тоғларга,
О, бир зум қайтди у эрка чоғларга.
Дафъатан ҳайқирди — эшитди олам:
«Сарой — қамоқхона! Улуғ, муҳташам».

504.

Эй дўст!

Булбулга тўй — гул фасли — ноз келганда,
Бу олам-жаҳон сарафроз келганда.
Бўзласак бўзлабмиз-да кўкка чиқиб,
Бизким — Азим — бир тўрғай — ёз келганда.

505.

Эй дўст!

Изнингда не қолди — ҳавода қолди,
Бир ҳовуч дон-дунинг — саҳрода қолди.
Униб чиқармикан у тақрон ерда,
Ҳамма гап самода қолди.

506.

Эй дўст!

Тув босиб келарди... данғиллама йўл,
Мен ундан қочардим — бошим, омон бўл!
Баҳайбат ўргимчак түри сингари
Тўрт ёнимдан амио чирмаб олди ул.

507.

Эй дўст!

Боболарим ўтди — кўп ҳангомачи,
Бирн Юрт сўрорчи, бирн қароқчи.
Менга шоирлиги қолибди ёдгор —
Озгина наъмагар, озгина лофчи.

508.

Эй дўст!

Ҳовли ўявнирки деган мисоли,
Очофат майнахов юрар гердайиб.
Қафасда тўтихон — хожа тимсоли,
Уни ҳайдай олмай турар мунгайиб.

Эй дўст

509.

Эй дўст!

Балад дарахт шохига қўнди бир қуш,
 Кўрди — унда турар шиллиққурт сархуш.
 Қуш деди: — Қанотсиз қандай чиқдинг сен?
 — Ўрмалаб, — деди у — нима дейсан, хўш?!

510.

Эй дўст!

Ўн бешта боланинг отаси Холшер,
 Деди — дўстларига жон берар чоғда:
 — Мен борақолайин, узр, минг узр,
 Оила ташвиши йўқмиш у ёқда.

511.

Эй дўст!

Ёр билан бахтиёр бўлдим бир замон,
 Бундай бахтни ҳали кўрмаган жаҳон.
 Қизғалдоқнинг умри тўрт фасл эди,
 Тўрт фаслнинг умри эди минг даврон.

512.

Эй дўст!

«Навқиронман — қалбим умиди каби,
 Кексаман — вожибсиз орзуйим янглиғ,
 — Кет! — деган эди-ку жон-жоним сабри...» —
 Бир Оврўпаликка бушмен* санчди тиг.

* Бушмен — Жанубий Африкалик қабила.

513.

Эй дўст!

Ёшим улғайгани сари дамодам,
Кичрайиб бормоқда паҳлавон жуссам.
Тоғлар баланд эди болалигимда,
Бир қирга айланган энди қарасам.

514.

Эй дўст!

Тупроқда бугдойнинг дони бериб жон,
Не-не мавжудотни асрар бегумон.
Бу ҳаёт маъноси тугундан-тугун,
Кимдир яшасин деб, ким биров қурбон.

515.

Эй дўст!

Бу жону жаҳонда йўқ боқий қарор,
Боравер, олдинда кутса ҳамки дор.
Ор учун очликдан ўлсанг ҳам майли
Ва лекин нокаسدан бўлма қарздор.

516.

Эй дўст!

Олчоқ тўда ичида бегона кўрдим,
Тўдага ялтоқланган оввора кўрдим.
Тип-тиниқ дарё эди бу зот бир замон,
Бугун шўр денгизга синган дарё кўрдим.

Эй дўст

517.

Эй дўст!

Бу йўл охирида саодат борми?

Бу йўл охирида садоқат борми?

Барча тушиб олган шу битта йўлга,

Бу йўл охирида адолат борми?

518.

Эй дўст!

Қудрати комиланг не пайдо қилди,

Не пайдо қилдики, серсавдо қилди.

Гоҳ тафаккур ила, гоҳи қўл ила

Гоҳ обод қилди у, гоҳ расво қилди.

519.

Эй дўст!

Бир томошагоҳда сур отлиқ — чапдаст,

Буқага тиф санчар, буқа-чи — бедаст,

Отлиқдан қасд олмоқ ўрнига, қизил

Рўмолик яёвдан олмоқ бўлар қасд.

520.

Эй дўст!

Дарёлар заминга тушар осмондан

Ва қайтар осмонга қўлу уммондан.

Мен асли сениман-ку, сен эса менсан,

Изоламоқ жонзми тоғу ёбондан?

521.

Эй дўст!

Уир ўтиб борар: гоҳ ел, гоҳ шамол,

Кўзин пирпиратиб чақмоқ чақар вақт.

«Эвгу иш қил!» — кўкдан жилмаяр Ҳилол, —

«Куз — мевасин тутиб туролмас дарахт!»

522.

Эй дўст!

Танда лаззатланиш жунбиши бисёр,

Жунбиши қарордир, руҳинг беқарор.

Тантиқ фарзандингни эркалайверсанг,

Бошингга кўп кулфат бўлгуси ёдгор.

523.

Эй дўст!

«Куч — Ҳақиқат!» — деди менга бир полвон,

«Ҳақиқат — Куч эмас!» — дедим унга мен.

Талашиб-тортишиб юрибиниз ҳамон,

Айта олмайсанми ким ҳақлигин сен?

524.

Эй дўст!

Не мавжуд, бир-бирига боғлиқда, бил,

Ҳар бир ишким, фурсату чоғлиқда, бил.

Товус — хаста, кечаги хиром қани?

О, гўзаллик, уни ҳам — соғлиқда, бил.

Эй дүст

525.

Эй дүст!

Абадий лаҳзаю лекин бир дамлик,
Шоду хуррамлигу тубида гамлик.
Эски либосларим янгидан янги,
Тилларим буррою кўзларим намлик.

526.

Эй дүст!

— Раҳм эт, огоҳ эт, мен ўзи кимман?
Яссавий айтгандек ё оби гилман?
— Ё қашқир, ё чўчқа, маймун зотликсан,
Вале Холиқ билан Инсон отликсан!

527.

Эй дүст!

Кўп савол бергумдир, эзма дүст дема,
— Оз-оздан кўпайиб боргувчи нима?
— Оз-оздан кўпайиб боради олов,
Оз-оздан кўпаяр оғриқ, ғийбат, ёв!

528.

Эй дүст!

— Ўз-ўзига бало орттиргувчи ким?
Қора ботқоқликка боттиргувчи ким?
— Бало орттиргувчи бола аҳволдир,
Ёш, гузал жувонга уйланган чолдир.

529.

Эй дуст!

Бизнинг Қуёшдан ҳам ўзга Қуёш бор,

Улар битта эмас, билсин дуст, ағёр.

Ой ҳам битта эмас, фақат биттадир —

Замин деб аталмиш ҳаётбахш Дийр!

530.

Эй дуст!

Мен дуо қиламан: ўлсин одамзот,

Телбалик феълига қуриб олган ин.

Ўз ақлин қудрати ўзига офат,

Калхат панжасида кўзичоқ — Замин.

531.

Эй дуст!

Менга болаликда дер эди отам:

«Милтиқни бировга қаратма, болам.

Ҳатто ҳазиллашиб ўқталма, чунки,

У шаксиз отилгай, ўқсиз бўлса ҳам!»

532.

Эй дуст!

— Қўлларинг қалтираб, кўзларинг ёниб,

Қаён кетмоқдасан милтиқ кўтариб?

— Бу галги нишонни Ажал отлақдир,

Уни тупда кўрдим, топиб оттумдир!

Эй дўст

533.

Эй дўст!

«Пешонавгани гурра қилибсан», дединг,
Не бўлганлигини бир кўрсанг эдинг:
Тунда тоққа чиқдим — энг баланд жойга,
Ногоҳ уриб олдим шўрликни Ойга!

534.

Эй дўст!

Нурторда яшарди етим қиз ёлғиз,
Кашта тикар эди сеҳрли, тенгсиз.
Камалакранг илон устози экан,
Унга эрга тегмиш шу каштачи қиз.

535.

Эй дўст!

Юз амри шириндир, лекин айтгумдир,
Тўғриси, бўрилар асл дўстимдир.
О, улар бўлмаса, мени қув чўпон
Касал қўйин сўйиб қиларди меҳмон.

536.

Эй дўст!

Бир умр тепамда Етти Қароқчи,
Мисоли умримга етти пойлоқчи.
Улардан қутилиб кетмаган ҳеч ким,
Кундуз қочдим, тунда етти қароқчи!

537.

Эй дўст!

Иброҳим Фафурга дедим, эй устод,
Бир қави пайдодир — шир яланғоч, дод!
— Хорижда — деди у — шу тарзи дунё,
Ақл ва тафаккур ортиқча мато!

538.

Эй дўст!

Тирикчилик — шерин тулки қилибди,
Тирикчилик — эрин кулки қилибди.
Очин-ку қўябер, ҳаттоки тўқнинг
Тафаккурин бойлаб мулки қилибди.

539.

Эй дўст!

Заҳмат чекдим, кўклар тўқди ёшини,
Тоқат этдим, тоғлар эгди бошини.
Дилим, тилим, қўлим бўлди бир бутун,
Меҳнат қилдим, шоҳлар тутди ошини.

540.

Эй дўст!

Шоҳ қароргоҳидан чиқди бир фармон,
Ҳар битта нуқтага етди шу замон.
У Юрт ободлиги ҳақида эди,
Лекин элни қилди қул, хонавайрон!

Эй дўст

541.

Эй дўст!

Ошно бўлган эдим филбонга,
Фили билан келди меҳмонга.
Эшигини қилди у вайрон,
Бола-чақам, кўшнлар ҳайрон.

542.

Эй дўст!

Бозорга тушгандим бир озиб-ёзиб,
Мана, нима кўрдим, турибман ёзиб.
Бир тентак югурар мисоли шамол,
Қичқирар: «Сотаман... ҳаво, ҳаво, ол!»

543.

Эй дўст!

Тутиб қолди овчи юраги тоғда,
На сув бор, на дори, на бир егулик.
Қалдирғоч сув олиб келди томоқда,
Доривор гиёҳлар келтирди кийик.

544.

Эй дўст!

Туяга ўйнаб бер деди оломон,
Ўйинга у тушиб кетди шул замон.
Остин-устун қилди ҳамма томонни,
Энди тўхтатомай оломон ҳайрон.

545.

Эй дүст!

Оқ кўчқор шох ташлар қора кўчқорга,

Кўк кўчқор шох ташлар ола кўчқорга.

Оломон олқишлар голиб кўчқорни,

Оломон олаяр адо кўчқорга.

546.

Эй дүст!

Жондорга аёндир тоғнинг ҳар тоши,

Алқорга аёндир ҳар битта сўқмоқ.

Менга аён нима эрур кўз ёши,

Менга аён эмас — кўз ёшин тўқмоқ.

547.

Эй дүст!

Кўкда учиб юрар қизлар — парилар,

Парига айланган кампир — қарилар.

Кулар — йигитларнинг қонин қайнатиб,

Келаверсин дер зарли зариллар...

548.

Эй дүст!

Одам бир айиқни юрар етаклаб,

Халойиқ олдида ўйнатар уни.

Болалар кулади эрмак-эрмаклаб:

«Шуми эртактаги полвон дегани?»

Эй дўст

549.

Эй дўст!

Тилдош бўлмасанг ҳам дилдош бўл менга,

Элдош бўлмасанг ҳам андош бўл менга.

Кўкдаги бургутдек ёлғизман, ёлғиз,

Кўкдош бўлмасанг ҳам ердош бўл менга.

550.

Эй дўст!

Бир воқеа содир бўлди Работда:

Ота ўлган, ўгли эди қамоқда.

Чиққан сўнг отасин қабрин қазди тун,

Қоқиб олди тилла тишларин бутун.

551.

Эй дўст!

Шар устида қумурсқа юрар айланиб,

Қулаб тушмас, қандайдир юрар бойланиб.

Йўлин на боши бор, на охири бор,

Беқарор мангулик барқарор асрор.

552.

Эй дўст!

Чўл узра тўзондек тарқалди миш-миш:

Чўлбақа уйланмиш калтакесакка.

Биров тўйларида қатнашган эмиш,

Бирови шунчалик айтар эрмакка.

553.

Эй дуст!

Нурбулоқ — сирли тоғлар адоғида,
Ғужрон балиқлар ўйнар қучоғида.
Сувини ч, балитига тегма аммо,
Улар мангу Тангримнинг ардоғида.

554.

Эй дуст!

Сигир ўглаб юрар яшил ўтлоқда,
Одан Ато боққан бу сигирни.
Сигир кавиш қайтариб ётар ётоқда,
Момо Ҳаво соққан бу сигирни.

555.

Эй дуст!

Бу не гап, ҳақиқат осмонда эмиш,
Осмонда эмишу ҳар ёнда эмиш.
Унга чиқмоқ учун чопдим ҳар ёнга,
Ҳар ённинг нарвонин ҳамёнда эмиш.

556.

Эй дуст!

Найчи кетар эди ўрмон йўлида,
Йўлбарс чиқиб қолди олдидан бехос.
Найчи найин олди вессиз қўйнидан,
Лабига лаб босди, йўл берди йўлбарс!

Эй дўст

557.

Эй дўст!

Ҳақ йўлин тартибин бузаётган ким?

Олам сирлар ипин узаётган ким?

Дилим менга деди: — Ўзинг-ку ахир!

Мен дедим: — Мен бўлсам, тузаётган ким?

558.

Эй дўст!

Дунё барча учун бир жадалгоҳ жой,

Кимнинг жойи саҳро, кимники сарой.

Дўст бағри меники, унда бўлса бас,

Бир қадаҳ май ёки бир пиёла чой.

559.

Эй дўст!

Ўн кун елдан ейди бўри,

Ўн кун ердан ейди бўри,

Ўн кун элдан ейди бўри,

Йўқса, у ҳеч тўймас ади!

560.

Эй дўст!

Кулбангдан топилмаса, топилади кўчадан,

Биридан топилади, топилмаса нечадан.

Битта қавм-элатда жуда қаттиқ ҳазил бор:

Хотиндан топилмаса, топилади чечадан.

561.

Эй дўст!

Қиш. Тоғ бағри. Арчазор ўрмон.

Овда эдим — бошланди бўрон.

Кўриб қолдим бир ғариб кулба,

Саройлардан аълодир, инон!

562.

Эй дўст!

Топиб олдим чашма бўйидан кўзгу,

Чашманинг кўзидан бир парча — ёғду.

О, уни унутмиш, ёз кечалари

Қирғоққа чиқинган сув парилари.

563.

Эй дўст!

Кўклам чоғи кўкни чақмоқ босмиш,

Булбул дилин ишқ — чақноқ босмиш.

Куйлар, куйлар, қақрамиш инжа томоқ,

Гулжомдан май ичиб, чанқоқ босмиш.

564.

Эй дўст!

Жон бермиш бир ифбатли жувон,

Ечантирмиш ювгувчи отин.

О, бир зум мурдага қайтмиш жон,

Қўли билан ёпмиш авротин.

Эй дўст

565.

Эй дўст!

Туққан элга жон тортмаса, тортмас балки,
Лекин унга тортмишдир қон, тортмишдир қон.
Урчуган ер — Ватанига угур балиқ
Сўнгги лаҳза қайтиб келиб, узмишдир жон.

566.

Эй дўст!

Бир камбағал шўрлик кетарди чўлда,
Пайғамбар туси йўлиқди йўлда.
Ушлаб миниб олди, тушдими ойдан
Бир ит пайдо бўлиб талади обдон.

567.

Эй дўст!

Бир ковакка ёзин бўйи олмахон
Югургилаб ёнғоқлар йиғди обдон.
Зағиргон кўриб-билиб юрди уни,
Эга чиқди — қиш келганда қаҳратон.

568.

Эй дўст!

Булут булут билан тўқнашар — чақмоқ,
Чақмоқ чақмоқ билан чақнашар — чақноқ.
Арши азимдан то ер остигача
Гумбурлар бир ваҳм — қиёмат — чанқоқ.

569.

Эй дуст!

Устоз богбон деди шогирдга кеча:

— Бир туп теракни кес, минг туп эkkунча.

Шогирд деди: — Маъкул, сен нима десанг,

Вале аввал минг эк, бирини кессанг.

570.

Эй дуст!

Саҳрода кетардим, бўм-бўш сувдоним,

Бир кекса йўлиқди, айтдим ҳол-жоним.

У деди: — Кўкка боқ, тўп-тўп қуш қайда,

Сув улар пастида, сув ўша жойда!

571.

Эй дуст!

Бир айғир қочиб ёт уюрга қўшилмиш,

Уюрда бир бия — онага қўшилмиш.

Сезиб қолмиш ўз туққани эканин сўнг,

Турмуғин шарт узмиш, бақога қўшилмиш!

572.

Эй дуст!

Чўпон қизин севарди чўпон йигит — дов

Ва бир айниқ ҳам севмиш чўпон қизини.

Қиз айниқни севмиш, қочди тоққа икков,

Йигит қизни ўлдирди, айниқ — ўзини.

Эй дўст

573.

Эй дўст!

Қўриқчи ит ҳурмай қўйди. Жим ётар.

«Нечун кўздан жимсан?» — пишак гап отар.

— Бир ўғри тутгандим, у билан бирга

Қўшляб ўз хожам талатди шерга.

574.

Эй дўст!

Бир юртда урушдан ғолиб чиққан шоҳ

Жанг отларин қўшиб юборди қўшга.

Ёв қайта бостириб кирди баногоҳ,

Отлар ярамади энди урушга.

575.

Эй дўст!

Қамоққа олмоқчи порахўр қози,

Қамоққа олмаскан берсам бир танга.

Бор мулким — шу танга, қилайин рози,

Ҳарқалай, хотиним қоларжан ёнга.

576.

Эй дўст!

Овчи нишониди кийик турарди,

Шундоқ ов-ўлжаси аниқ турарди.

Кийик кўзига тушди овчи кўзи, оҳ,

Қўлдан тушиб кетди милтиқ баногоҳ!

577.

Эй дүст!

Бир чумчуқни қувиб қолди лочин — ёв,
Гуж гужумга урди чумчуқ — жон ҳолат.
Гужумда бир илон пойлар эди ов,
О, чумчуқ илонга ўлжа шу заҳот.

578.

Эй дүст!

Эру хотин кундуз урушиб қопти,
Ўртадаги қўшни қозига чопти.
Қози деминш унга: — Қара, ҳозир Кун,
Қўябер, уларни яраштирар Тун.

579.

Эй дүст!

Қуриган дарахт ҳам тоғларга — чирой,
Заҳарли алаф ҳам боғларга — чирой.
Бу қизни хунук деб юзингни бурма,
Бир алп йигит умри — чоғларга чирой.

580.

Эй дүст!

— Алпомиш, о, Алпомиш ботир,
Жанга чиқмай не қилиб ётир?
— Боласи ёш, Барчиной оврув,
Уйнда хамир қориётир.

Эй дўст

581.

Эй дўст!

Султон гадо бўлди, гадо бой бўлди,
Баланд чўққи қулаб, бир гум — сой бўлди.
Бошингни чайқама тушунмадим деб,
Баҳри уммон қуруб, саҳрожай бўлди.

582.

Эй дўст!

Учмоқ учун қанот керак, қанот керак,
Қанот керак, лекин уни қоқмоқ керак.
Қоқмоқ керак осмонларни қучмоқ учун,
Қучмоқ учун сабот керак, сабот керак.

583.

Эй дўст!

Доним руҳим кўкда менинг, ерда жисмимдир,
Чақмоқларга қанот урган бургут дўстимдир.
Гўнг титиган қаргалардан зада бўлдим мен,
Бобом — Суюн, отам — Олим, Азим исмимдир.

584.

Эй дўст!

Жоҳил хоқон демиш аъёнларига:
— Бўри бўлинг, қўйлар керакмас менга!
Аъёнлар — бўридир, талади юртни,
Бир кун хоқонни ҳам қўй каби ютди!

585.

Эй дўст!

Дарё қирғоғида айиқ тушди қопқонга.

Тўрга тушиб ётган Лаққа гап қотди унга:

— Аҳмоқ, мени хўрак билиб келган эдинг, хўш?..

— Барибир хўраксан, — деди, айиқ фаромуш.

586.

Эй дўст!

Ёз очиқ кунлари. Доира ясаб

Бургут парвоз қилар ўз одатича.

Уни тутноқликни орзулаб, истаб,

Соясини қувлаб юрар бир лайча.

587.

Эй дўст!

Мен ким, қанотига ишонган қушман,

Ақли — голибдирман, ақли — беҳушман.

Узоқ яшамадим, лекин кўп кўрдим:

Олдимдаги дўстим, ортимда душман.

588.

Эй дўст!

Ота-онанг чин дўстингдир,

Жўра-ошнанг йўл дўстингдир.

Ёмғир кутган қақроқ даштман,

Эл дўстимдир, эл дўстингдир.

Эй дўст

589.

Эй дўст!

Дин асли — тафаккур, қуроли илм,
Тараққиёт боши — муҳаббат, имон.
Ҳаёт қулфларини бузмасин — зулм,
Улар калитларин тополсин, Инсон!

590.

Эй дўст!

Қуриб қолган булоқ тагин кўз очди,
Мисоли қиш ўтиб, чақин кўз очди.
Уни йироқларда, бегона дема,
Бемор ёринг каби яқин кўз очди.

591.

Эй дўст!

Тақдиримиз эш доим, олам яхши,
Ҳар лаҳза яхши, ҳар он, ҳар дам яхши.
Ёмон дебон фақат одамни одам,
Яхши жойга кетдими? Одам яхши!

592.

Эй дўст!

Мусибат бахт ато этмоғи мумкин,
Бахт ато этмоғи мумкин мусибат.
Ким қаттиқ севибди бу ҳаёт мулкини,
Уни сийламабди доим ҳам ҳаёт.

593.

Эй дўст!

Бир кема йўл олди денгизлар сари,

Унда икки олам донишмандлари.

Дарға дер: — Марҳамат, дарғалик қилинг!

Донолар «Узр...» деб бош эгди бари.

594.

Эй дўст!

Онаси — фоҳиша, отаси майхўр,

Бу фарзанднинг амио тақдирини кўр:

Бутун бир улусга ҳоким бўлибди,

Унга ато этмиш бахт, омад, гурур.

595.

Эй дўст!

Кўрдим, маъқул эмасдир кўпам

Оталарга бола қилиғи.

Во ажабки, болаларга ҳам

Ёқавермас ота йўриғи.

596.

Эй дўст!

Англадим, умрлар тақдирин тайин,

Ўлмоқ қийин эмас, яшамоқ қийин.

Йиллар, йўлларимни сочдим ҳаётга,

Ҳаёт учун йиғдим битталаб тийин.

Эй дўст

597.

Эй дўст!

Тун. Тош кокилли дўнг. Ётибман мудраб.

Отам ёйиб юрар қора сурувни.

Боламга газанда доримасин деб,

Жун арқон-ла ўраб қўйган гирдимни.

598.

Эй дўст!

Саҳро ўртасида кўҳна сардоба,

Қарагил, ҳар ёни бугун хароба.

Бир пайт бунда эди карвонлар қўш-қўш,

Бунда эди Хайём симирган бода.

599.

Эй дўст!

Жайра жониворким, ўзин инида

Тўрга қараб еяр топган-тутганин.

Дейман, хасислик ҳам ахир эвида,

Шуми, сен жўрамдан кутганим.

600.

Эй дўст!

Баъзи-баъзи кунларни

Қувалаб юргинг келади.

Баъзи-баъзи кунларни

Қувалаб ургинг келади.

601.

Эй дўст!

Душманинг макрини яширар ёлғон,
Буғдой кўрсатару сотгайдир сомон.
Тошни чок-чокидан ажратмоқ мумкин,
Ёвни дўстдан ажратмоқ эмас осон.

602.

Эй дўст!

Гарчи бизнинг ниятимиз миқдор эмас,
Соҳиби ишқ бўлсин, деймиз, ҳар кўнгил, бас.
Ким муносиб, аммо ундан бенасибдир,
Бозорхотини қўлидаги ул хасибдир.

603.

Эй дўст!

Бир Гулга дил сирин айтиб куласан,
Гўё уни қойил қилмоқ бўласан.
Ҳеч гапмас, ёвингга айланар бир кун,
Сир-асроринг қадрин шунда биласан.

604.

Эй дўст!

Кўнгиллар орзусига келтирма шак,
Мева бергай эҳтимол ҳатто миш-миш.
Хотини бевақт қаза қилган эркак
Қизли овулга қараб йиғлар эмиш.

Эй дўст

605.

Эй дўст!

Бундай ҳолатларким, азалдан-азал,
 Ҳусн савдосини қилар бир гўзал.
 Гарчи ул бегона, лекин нечундир,
 Биз каби девона кўп бўлур ўсал.

606.

Эй дўст!

Аллоҳ шарафига ичмайман шароб,
 Шоҳлар шарафига ичмоқлик нечун?
 Заҳар бўлса, аммо ичгум майи ноб
 Мени бахтиёр қилган аёл учун.

607.

Эй дўст!

Кўп яхши кўраман ўзимни ўзим,
 Гаплашиб юраман ўзимман ўзим.
 Дўстим ҳам, ёвим ҳам юрагимдадир,
 Мен ахир ким ўзи? Сўзимман — ўзим!

608.

Эй дўст!

Ихтиёр биздандир, ижозат сиздан,
 Бир оқ йўл берсангиз қалб-кўнглингиздан.
 Дастурхон илинжи бизгадир йироқ,
 Бир нур олиб қайтсак, бас, мулкингиздан.

609.

Эй дўст!

Ҳаёт — шоҳмот, демиш донолар,
Жанг өтмиш оқ-қора доналар.
Ғолиб борки, бордир мағлуб ҳам,
Мағлуб бор — жанг бўлмас адолар.

610.

Эй дўст!

Ўзбекини, яҳудий, олмон ё араб,
Эскимос ё хитой, швед, фарангсан.
Оламда яшасанг Худога қараб,
Манимсан, манимсан, манимсан.

611.

Эй дўст!

Ялқов суғур ухлар сассиқ инида,
Қони қотган қилич занглар қинида.
Менга ёт замондан ортда яшамоқ,
Ҳаётман — тириклик жанг-қирғинида.

612.

Эй дўст!

Азалий, абадий чоғлардан,
Нидолар келгайдир боғлардан:
— Қудуқли саҳролар афзалдир,
Чашмасиз сарбаланд тоғлардан.

Эй дўст

613.

Эй дўст!

Деҳқоннинг қўлига ярашмас қурол,
 Аскарнинг қўлидан кўч-қўшингни ол.
 Тангрим-ку одамга минг ҳунар берган,
 Лекин кимга малол, кимга бемалол.

614.

Эй дўст!

Кўкда яхшилик бор, бор шодумонлик,
 Тупроқ остидадир ёлғон-ёмонлик.
 Ул икки жаҳонни тинч қўйгил бир пас,
 Ер устида қилгил омон-омонлик.

615.

Эй дўст!

Энасой бўйида ўн бешта дарвеш, —
 Турлик тилли шонир — бир-бирига эш.
 Хуршид Даврон деди (ёққандим гулхан):
 — О, ўзбак гулхани гурилла, ён, ён!

616.

Эй дўст!

Гуриллаб эсмоқда қибла шамоли,
 Олмали боғларда жаннат жамоли.
 Қиш бўйи палағда тушлар кўрдим шен,
 Бугун чилпарчидир улар малоли.

617.

Эй дўст!

Жизғанак саҳрода бир гужум кўрдим,
Унинг соясида жон сақлаб турдим.
Бу гужумни эккан экан бир қушча,
Ундан қарздор бўлиб, йўлимга юрдим.

618.

Эй дўст!

Жамият бир бемор: касали аён,
Касали аёну даволаш қийин.
Жамият бир бемор: даволаш осон,
Даволаш осону дарди яширин.

619.

Эй дўст!

Бор руҳий қувватин жамлаб кўзига,
Бир зот йўналтирди уни ўзига.
Ишон, авлиёга айланди ул зот,
Ишонмасанг, қулоқ тутгил сўзига.

620.

Эй дўст!

Гарчи рад этгайдир тафаккур — ҳурлар,
Ажина, алвасти, сеҳру жодулар,
Арвоҳу руҳлару жин, жодутарлар,
Кимни гоҳ даволар, гоҳ оғулар.

Эй дўст

621.

Эй дўст!

Оламда не ранг мавжуд — офтобдадир,

Тафаккур, ақл кучи — жавобдадир.

Йўлларда йўл топмаган кимсалар кўп,

Башарда не ҳикматдир — китобдадир.

622.

Эй дўст!

Қоялар хатардир тумон йўлида,

Хору хас ҳолин кўр тўфон йўлида.

Қайиқда олишма қайиқчи билан,

Майлига, олишгин иймон йўлида.

623.

Эй дўст!

Тумон. Тумонинг билан нима ишим бор.

Бўрон. Бўронинг билан нима ишим бор.

Абадият йўлидаман, адашдимми?..

Замон. Замонинг билан нима ишим бор.

624.

Эй дўст!

Болалар юрагин титратса замон,

Улар ҳуқуқлари топталса — жойда,

Менинг ботирилганим эрур ноаён,

Менинг ҳуқуқимдан бор нима фойда!

625.

Эй дўст!

Зули малайлари, билмаслар наҳот,
Бировга чоҳ қазиб, тополмас нажот.
Ҳаёт ҳикматлари содда, малайлар —
Уз авлод илдин кесмоқда, ҳайҳот!

626.

Эй дўст!

Ноаён кучлар бор: сир-синоатли,
Минг тикил, жавоб йўқ бир қаноатли.
Уммондан сўрадим: — Сиринг қаёқда?
У Кўкни кўрсатиб, деди: — У ёқда!

627.

Эй дўст!

Эккан дон-дунларим унмади ҳали,
Ниҳолларим ҳали бўй чўзгани йўқ.
Мени ортга отар дўст ғийбатлари,
Олдинга қўймайди ёвлар отган ўқ.

628.

Эй дўст!

Ер билан бутун каби тўшалган тумон,
Ер билан бутун каби айланар дунё.
Сен билан бутун каби қоришиқ осмон,
Мен билан бутун каби айланар дунё.

Эй дўст

629.

Эй дўст!

Тоғлар бўронида қолганман омон,
Саҳро бўронидан чиққанман эсон.
Мени қўрқитмаган денгиз бўрони,
Одам бўронидан қўрқаман ёмон!

630.

Эй дўст!

Жонсиздан туғилар бир жонли бола,
Ул жонли боладан бир жонсиз пайдо.
Қум узра думалаб ётган бир тухум
Олам фалсафасин ўзга қилган жо!

631.

Эй дўст!

Оламини бойлик, ганж кетдими босиб,
Бетиним ёншар, гаширар босиб.
Мен эса ўчоқда қора қумғоним
Қайнашин кутаман — орзумни осиб.

632.

Эй дўст!

Не каромат кўрсатар ағёр бу кун,
Жонимизни олгудек ағёр бугун.
Ҳарки сўз, феъл, бордир акси садоси,
Кўрсатар — не кўрсатган бўлсак бурун.

633.

Эй дўст!

Юксак тоғлар борки — бошлари қордир,

Ул қорлар бордики — водий баҳордир.

Она тилимни лойга қориштирма кўп,

Она тилим борки — Ватаним бордир.

634.

Эй дўст!

Қийғирлар беҳато учғувчи ўқдир,

Улар қайда пайдо, каштарлар йўқдир.

Қийғирлар ичиде мен ҳам бир каштар,

Сен агар ёнимда, мевга йўқ хатар!

635.

Эй дўст!

Тоғ. Қора дўлана. Қорлар босибди.

Шохларда меваси тизилган маржон.

Уларни ким кимга сақлаб осибди,

Кимнинг насибаси улар, Худойжон?!

636.

Эй дўст!

Китобимни ўқимайди Шарқ,

Ғарб ҳам ўзин умионига ғарқ.

Жануб, Шимол — жонига тўзим.

Ўз-ўзимни ўқийман ўзим.

Эй дўст

637.

Эй дўст!

Менинг кимлигимни билмаган киши —

Ёқамдан тутгучи — довчидан асра.

Қушлар овозин ё ҳайвон товушин

Фарқига бормаган овчидан асра.

638.

Эй дўст!

Кўрган тушларимнинг тили йўқ, афсус,

Бир бўрини миниб юрибман кеча.

Қўлларимда бургут эмиш — олмос кўз,

Улар бирга бўлди уйғонгунумча!

639.

Эй дўст!

Бир кас бор, кишини қочирар юзи,

Ўлган қўй кўзига ўхшайди кўзи.

Ҳаммом ичидаги оқава, десам,

У шундай совуқки, музлар балиқ ҳам.

640.

Эй дўст!

Жанубу Шимолда ва Фарбу Шарқда,

Ҳамма нуқталарда ва ҳамма ёқда,

«Эркинлик» ва «Қуллик» сўзи ёнма-ён —

Ҳукидорлар берган фармон-йўриқда!

641.

Эй дўст!

Бир жуфт чечак бир-бирига нозик чирмашур,
Жуфт-жуфт бўлиб қалдирғочлар ўйнар, қувнашур.
Тирикликнинг ҳикматларин жуфтликда кўрдим,
Кўрдим, ҳатто азада ҳам жуфт-жуфт йиғлашур.

642.

Эй дўст!

Дарё қайрида бир туп мажиунтол,
Тошқин нигоҳларга айлади савол:
— Қайлардан келурсиз, қайга кетурсиз?
— Кўкдан, деди, улар, Кўкка кетурмиш.

643.

Эй дўст!

Тоғда бир ўтинчи чолга йўлиқдим,
Салом бериб, уни саволга тутдим.
— Отажон, фарзандлар йўқми хизматга?
У деди: — Ҳизматга, дегил, ҳизматга!

644.

Эй дўст!

Мақтаб ҳовлисида қаро чинор,
Бағри куюк-куюк яро чинор.
Соясида катта бўлган эдим,
Кимдир ўт қўйибди — адо чинор.

Эй дўст

645.

Эй дўст!

Тоғ бўлмоқлик, дунёда, кўкка яқин турмоқ экан,
 Лекин бўрон, дўлларга илк кўкрак кермоқ экан.
 Саҳро, водий, даштларга от ясатиб, миндириб,
 Узинг пою пиёда ожиз хаёл сурмоқ экан.

646.

Эй дўст!

Бўй талашар дарахту ниҳол,
 Йўл талашар шабада, шамол.
 Кўрдим кимсаларни — кўнглимда озор —
 Талашиб ахтарар яхшироқ мазор.

647.

Эй дўст!

Тун тушиб, оламини босганда зулмат,
 Кириб келди ҳужрамга бир оқ илон.
 Деди: — Йўлинг тўғри, айтавер ҳикмат,
 Ҳикмат — балолардан сақлайди омон!

648.

Эй дўст!

Бургут билан Бўри бепоён даштда,
 Олишар чақмоқдек шиддатда, шаштда.
 Бирини сизтаб тортар, бирини солар чанг
 Ва ҳалок бўдилар — ғолиб йўқ, қаранг!

649.

Эй дўст!

Томиримда оқар аждодлар қони,
Қонларки, аралаш — излама соф қон.
Яшай билмас бир гул эмиб болари,
Бир гул ҳосиласи эмас асал ҳам!

650.

Эй дўст!

Дарёлар тоғларни тоғларга боғлар,
Элларни элларга, кентни кентларга.
Мен — уларда сувгим келар ҳар чоғлар
Чегара билмайин — мамлакатларга!

651.

Эй дўст!

Уммонда ялзила бўрону тўфон,
Улардан қанча юрт, қанча эл қурбон.
Инсонким, папшадек ожиз, нотавон,
Табиат қудратин этса намоён.

652.

Эй дўст!

Тонг. «Эй дўст!..» битардим — кўвларимда ёш.
Олис Келажакдан келди бир садо:
«Йиғлаб ёзаяпсан, биз сенга жондош,
Кўзёш китобларин унутмас Олло!»

Эй дўст

653.

Эй дўст!

Умрим — қум зарраси, уммон унда жам,

Тоғу саҳро унда, қуёш мужассам.

Шу қум заррасида ўтмишим бордир,

Шу қум заррасида келажагим ҳам.

654.

Эй дўст!

Бу қитмир асрга келиб одамзот,

Бўлак-бўлакларга бўлди Заминни.

Юраккача чегара, деворлар, ҳайҳот,

Бесарҳад Кўкларга олиб кет мени!

655.

Эй дўст!

Гарчи тоғлар, боғлар, гуллар ўнг-сўлим,

Жаннат жамолидек чиройли, сўлим.

Қалбимга чегара тортса ким аммо,

Ўша ганимидир, курашдир йўлим.

656.

Эй дўст!

Тоғлар емириллар, қурир денгизлар

Ва қайта найдодир қай бир тарзда.

Ким эдик, ким бўлиб қоламиз бизлар,

Ҳамма гап ўзимиз қолдирган изда.

657.

Эй дүст!

Дүстим бургут билгай тоғ, ўрмон элин,
Дүстим лочин билгай дашт, саҳро тилин,
Уммон сирин билгай дүстим бўронқуш,
Мен эса билгайман барчасин дилин.

658.

Эй дүст!

Ҳар пайдо лаҳзада урим бор менинг,
Ҳар битта кунимда келажагим бор.
Ҳар эсан насимда уним бор менинг,
Ҳар ўсан гиёҳда умидим пойдор.

659.

Эй дүст!

Ишқ — илоҳий куч, полвонлар ҳечдир,
Бутпараст, ўтпараст хоқонлар ҳечдир.
Иймонли мусулмон — йўлиқдим ишққа,
Мусулмонни ҳечдир, иймонлар ҳечдир.

660.

Эй дүст!

Ғарбда қурғоқчилик. Шарқда бетин қор.
Жанубда музқуюн. Шимолда баҳор.
«Не сир ўзи?» — дедим бир донишмандга,
У деди: — Ёзуққа бўл доим тайёр!

Эй дўст

661.

Эй дўст!

Чўққининг чўққиси эрур — найзатоп,

Даракчиқуш унга қўниб турибди.

Пойида бақирдим: — Не янгилик, хўш?

У деди: — Бу ерда кўкнор унибди.

662.

Эй дўст!

Ёз. Ой ўтов тутди. Айниди ҳаво.

Ёмғир ёғиб берди — яйраб кетди дашт.

Бир тотли исларни таратди сабо,

Гарчи ёз, нақадар гўзалдир яшап!

663.

Эй дўст!

Табиат чексиздир вақту фазода,

Ҳаракат, ўзгариш унинг асоси.

Ер — босим ёқтирмас — бордир қасоси,

Инсон чексизлиги фақат қазода.

664.

Эй дўст!

Бир Соя дўстим бор... Қуёшли кунда

Турсам ҳам, ўтирсам доним ёнимда.

Битта қилиғидан доғдаман лекин,

Булутли кунимда — юрар қаёнда?

665.

Эй дўст!

Савдойи бўлиб қолди бир ҳукмдор,

У на уйқудадир, на эрур бедор.

Минглаб табиб келди, фақат биттаси

Келмади бир бора борми деб бемор.

666.

Эй дўст!

Бир тўда ёш-яланг менга солди дод:

«Никоҳ — муҳаббатни қилмоқда барбод!»

Айтдим: — Инсон, ҳайвон фарқи нимада?

Айтдилар: — Эркинлик шавқи нимада?

667.

Эй дўст!

Бир-бирига урар барқ

Муғамбир Фарб, дўлвор Шарқ.

Ҳайрона Курраи Ара,

Бағри илма-тешик, дарз.

668.

Эй дўст!

Ғайб бегонадир, илм — бегона,

Ўзича «оҳ» урди бир чўпон бола:

«Кимга суянайин?..»

Бир нидо келди:

— Таёғинга суян, ҳой, султон бола!

Эй дүст

669.

Эй дүст!

Осмонталаш чўққиси. Булутлар бунда

Осмонни талашар, талаб савашар.

О, жуда кўп пастда-а — дунёйи зинда

Бир тўда кимсаким, суяк талашар.

670.

Эй дүст!

Бугун ҳалок бўлган таниш бу инсон,

Кеча тўйда эди мен-ла ёнма-ён.

У менга деганди: — Менда йўқ кам-кўст,

Қиёмат қўшгунча тўй бергум, инон.

671.

Эй дүст!

Мучалга кирмиш ит, йўлбарсу сичқон,

Балиқ, қуён, маймун, сигиру илон.

От, қўй, товуқ, тўнғиз,

Кирмай қолибди

Гавдасига ишониб туя полвон.

672.

Эй дүст!

Ровийлар айтдилар кеча тушимда:

«Ёвингдан қўрқмагил тирик-тушингда.

Душманга айланган дўстингдан қўрққил,

Ҳушёр бўл ўнгу чап, эсу ҳушингда».

673.

Эй дўст!

Эшитгулик ҳикмат элимда кўпдир,
Дафтаримда кўпдир, тилимда кўпдир:
Яхши сўзга учар қушлар эл бўлмиш,
Ёмон сўзга папша тили фил бўлмиш.

674.

Эй дўст!

Бу дунё ўтар-кетар, қолар юзи қоралик,
Қолар юзи қоралик, қолар изи қоралик.
Қолар изи қоралик, ёвини ёв танийди,
Ёвини ёв танийди, ўғил-қизини қоралик.

675.

Эй дўст!

Тарих менга тунда сир очди буткул:
Снёсатдан холи эмас ҳатто гул.
Сен шоир, ўзингча қочмоқ бўласан,
Қавонг ҳам снёсат, бугуннинг тугул.

676.

Эй дўст!

Бешик билан қабрининг оралиғи қилчалик
Ва ёки тил оғиздан бир чиқиб қайтгунчалик.
Кўнглимдан бир кўнглизор топмадим бу гардундан,
Бизга жабру зулм сиз — дўстимиздан бунчалик?

Эй дўст

677.

Эй дўст!

Агёр берган бугдойдан, дўст берган сомон яхши,

Сиз томонлар боғ эрур, бизга шу ёбон яхши.

Элга дўсту тилга дўст, кўнглимга дўстдир маним,

Қовоқбой Йўлдош берган гурунги ёмон яхши.

678.

Эй дўст!

Тарқоқлар бирлашиб, бўлдилар голиб,

Голиблар тарқалиб — мағлубу ғойиб.

Ҳикмат — кўз ёшидан пайдодир, аммо,

Ибрати — қоғовда ётар сорғойиб.

679.

Эй дўст!

Қарға шохга кўнди, шохлар силкинди,

Чақмоқлар қамчидек бағримни тилди.

Бир каским, яхшилик қилмаган эдик,

Лекин бизга нечун ёмонлик қилди?

680.

Эй дўст!

Фарзанд соф табиат билан туғилур,

Лекин қай йўлларга бошлар тафаккур.

Янтоқ бўйи бир газ. Меваси — шакар.

Шакар — сувга етган томирдан, жигар.

Эй дўст

685.

Эй дўст!

Башарким, бир ота-она фарзанди,
Тангри ярлақаган банда — баланди.
Улғайишиб уй-жой қилиб кетдилар,
Тилу либосларин турляк этдилар.

686.

Эй дўст!

Оламга ҳукмдор Кўкнинг офтоби,
Не мавжуд ҳилқатда — жойида тоби.
Одамгаким, Ақл ҳукмдор экан,
Ақлда бўлсин-да Ақл одоби.

687.

Эй дўст!

Кўрдимки, бир киши бевақт бермиш жон,
Ўзининг уйида нажотсиз қотган:
Қўли чўзилган — бош тарафи — сувдон,
Оёқдан пастга бир чумоли тортган.

688.

Эй дўст!

Ор-номус Ақлдан устун бир замон
Шаън учун фарзандлар тикар эди жон.
Боқ, бугун қавмига, фарёдкн, ҳатто
Юртин мол-дунё деб қилгудек қурбон.

689.

Эй дўст!

Дединг: — Бодом бўлма, у гуллар шошиб,

Кўклам қишларида юрар адашиб.

Дедим: — Агар сақлаб қолса ҳосилни,

Кеч бўлса-да чиқар боғлардан тошиб.

690.

Эй дўст!

Гарчи кўп қулоқли, кўп кўзали подшоҳ,

Ўз фарзандин нафсин тиёлмас, эй воҳ.

Улар эртақдаги аждар мисоли

Эл ичра пайдою ўт пуркар ногоҳ.

691.

Эй дўст!

Менга маълум турлик нафс кулфати,

Роҳату уқубат, қудрат, қуввати.

Нафс бандиларин кўзин кўриб оч

Уйига ин қурмас ҳатто қалдирғоч.

692.

Эй дўст!

Тан нафси тўймасму, кўзлар тўймасму,

Тўлмасу тўймасин улар қўймасму?

Тўлмайин, тўймайин йитиб-қўймасму?

Дил дилни, юз юзни суюб-сўймасму?

Эй дўст

693.

Эй дўст!

Виждон азоблари — юракдаги тош,

У эрий бошласа, кўзда — аччиқ ёш.

Кўзёш тўкилдини — руҳ оромдадир,

Умидим: соф юрак бу оламдадир.

694.

Эй дўст!

Бир дониш шонрини йиғлоқи, дерлар,

Йиғига тўла қалб даргоҳи, дерлар.

Йиғи дард олармиш, эл-юрт дардини

Олмоққа йиғлатар Аллоҳи, дерлар.

695.

Эй дўст!

Ватан ҳақда ёвсам, маддоҳ, дедилар,

Миллат ҳақда ёвсам, «қаҳ-қаҳ» урдилар.

Ҳақ, адолат ҳақида аччиқ ёвдим,

Душман бу, дедилар, гумроҳ, дедилар.

696.

Эй дўст!

Бир учоқ бир зумда портлар самода,

Бир тунда улкан тоғ пайдо дарёда.

Зарурат, тасодиф — раҳмону шайтон,

Бир бевурд хоқондир бевурд дунёда.

697.

Эй дўст!

Юксак минорага қараб турасан,
Бобонг қурган, яйраб-қувнаб куласан.
Қарайвериб дўшнинг тушиб кетди-ку,
Ўзинг минорангни қачон қурасан?

698.

Эй дўст!

Қайси харобани қазисам, ё раб,
Кўза синиқлари чиқар лаболаб.
Уларни бирма-бир йиғаман, аммо
Бутун қилолмайман ўргилиб, ямаб.

699.

Эй дўст!

Бой Қашшоққа деди бақириб:
— Буткул кўвларимдан йўқол, ҳой!
Қашшоқ минғирлади кета туриб:
— Бизни йўқотиб бўлмайди, Бой.

700.

Эй дўст!

Мен ишонгум Дунё саодатига,
Иисон Тафаккури, Муҳаббатига.
Гарчи бу гурбатда бир айтми ҳамон:
Еса ҳам, емаса, бўри оғзи қон.

Эй дўст

701.

Эй дўст!

Ақнинг таъсири ақлга аён,
Бу таъсир танага ўтар бегумон.
Танада касаллик, дард бўлса агар,
Пайваста таъсирлар даводир, инон.

702.

Эй дўст!

Тоғлар — авлиёлар маскани эмиш,
Саҳро — пари-морлар гулшани эмиш.
Бу азин ҳикматлар — айтдилар менга —
Тупроқ бўлганларнинг сухани эмиш.

703.

Эй дўст!

Тилим улуғлигин улуғ-улуғлар —
Уруғлар улуғлаб акди уруғлар.
Уруғлиман, уруғлисин улуғлагуш,
Улуғларни улуғлайди улуғлар.

704.

Эй дўст!

Мени изламагни Ер ҳаётидан,
Ўз турим-қавминини кетганман ташлаб.
Учиб юрибман Руҳ салтанатида
Румий, Бедил, Навоийни қуёшлаб.

705.

Эй дўст!

Ақду тафаккурим — бир сирли дунё,

Фикрлар йўллайман қитъалараро.

Уларни уққувчи инсонлар бордир,
назаркарда, доно!

706.

Эй дўст!

Азим Суюн муроди насихат эмас,

Инсон қалб кўзига кўзгу тутар, бас.

Тўти ўз товуши қизигин билгай,

Лекин эгри тумшугин кўрмас.

707.

Эй дўст!

Хўрознинг тожидек тоғда бир қишлоқ,

Ёлғиз сўқмоғи бор — чағирли, тошлоқ.

Шу тошли сўқмоқдан «Эй дўст!..» — деб чиқдим,

«Эй дўст!»им йўллари поёнсиз, яшноқ!

ҚАЙДАР

ҚАЙДЛАР

22006

Адабий-бадиий нашр

АЗИМ СУЮН

ЭЙ ДУСТ

1001 қайирма

Биринчи китоб

Мухаррир Усмон ҚУЧҚОР
Рассом Қовил ЖОНТОВ
Тех.муҳаррир Елена ДЕМЧЕНКО
Саҳифаловчи Шахло ҲОШИМОВА
Мусаҳҳиҳа Дилрабо МИНГБОЕВА
Компьютерда саҳифаловчи Екатерина НАЗАРОВА

ИБ № 3933

Босилга 13.04.2005й.да руҳсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобора 5,75. Шартли босма тобора 9,66.

Адади 1000 нусха. Булортма № 191.

Баҳоси келишилган нарҳда.

"Янги аср авлоди" нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

"Yoshlar matbuoti" босмахонасида чоп этилди.

700113 Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.